

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**



**ПЕДАГОГИК ИМИДЖ ВА КОМПЕТЕНТЛИК
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**Малака тоифа
йўналиши:
Тингловчилар
контингенти:**

**Барча фан ўқитувчилари
умумий ўрта таълим мактабларининг
фан ўқитувчилари**

Тошкент-2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ**

**ПЕДАГОГИК ИМИДЖ ВА КОМПЕТЕНТЛИК
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖУМА

Тошкент – 2017

Мазкур ўкув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 30 ноябрдаги 877-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўкув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: Н.Г.Комилова - Низомий номидаги ТДПУ “Психология” кафедраси мудири, п.ф.н.

Л.Р. Гайнутдинова-Низомий номидаги ТДПУ хузуридаги Тошкент шаҳар ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “ Педагогика, психология ва таълим менежменти” кафедраси мудири в.б.

А. Бойматова, Д. Тайлакова - Низомий номидаги ТДПУ хузуридаги Тошкент шаҳар ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “ Педагогика, психология ва таълим менежменти” кафедраси катта ўқитувчилари

Тақризчилар: Г.Б.Шоумаров - Низомий номидаги ТДПУ, Психология ўкув- илмий маркази директори, п.ф.д., проф.

Ш.Абдуллаева - Чирчиқ давлат педагогика институти хузуридаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш ҳудудий маркази “Тил ва адабиёт” кафедраси мудири, п.ф.д.,проф.

М У Н Д А Р И Ж А

| | |
|---|----|
| I. Ишчи дастур | 4 |
| II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари..... | 10 |
| III. Назарий машғулот материаллари | 19 |
| IV. Амалий машғулот материаллари | 44 |
| V. Кейслар банки..... | 61 |
| VI. Мустақил таълим мавзулари | 69 |
| VII. Глоссарий | 71 |
| VIII. Адабиётлар рўйхати | 81 |

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқук-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқук ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мухитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, ҳалқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Янги шароитлардан келиб чиқиб, “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тақозо этади.

“Педагогик имидж ва компетентлик” модулида “Компетенция” ҳақида тушунча бериш, таълим сифатини оширишда ўқитувчи компетенциясининг аҳамияти, ўқув жараёнида ўқитувчининг ўрни, ўқитувчининг касбий компетенция турлари ва уларнинг боғлиқлиги, дидактик компетенция касбий компетенциянинг асоси эканлиги, ўқитувчи компетенциясининг пирамидаси ҳақида маълумотлар бериш.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Педагогик имидж ва компетентлик” модулининг **мақсади** - таълим сифатини оширишда ўқитувчи компетенциясининг аҳамияти, педагог имиджи, педагог фаолиятига креатив ёндашув, педагог қобилияtlарни ривожлантирувчи психотренингларнинг моҳияти ҳақида маълумотлар бериш.

Модулнинг **вазифалари**га қўйидагилар киради:

- модернизациялаш шароитида таълим-тарбия жараёнини ислоҳ қилишнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш;
- ўқув ва тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар ҳақида маълумот бериш;

- таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш йўлларини ўргатиш;
- ўқитувчи компетенцияси ҳақида маълумот бериш;
- ўқитувчи имиджини шакллантириш;
- педагогнинг креативлигии ошириш;
- педагог қобилиятларни ривожлантириш учун психотренингларнинг аҳамияти билан таништириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўниқмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- жамият тараққиётидаги таълим-тарбия жараёнининг аҳамиятини;
- педагогик технология тушунчасининг илмий асослари, унинг категориялари ва принципларини;
- жаҳон таржибасида асосида замонавий таълим-тарбия жараёнига инновацион таълим технологияларини татбиқ этишни;
- таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш босқичларини;
- педагогнинг касбий компетенцияси турлари ва уларнинг боғлиқлигини;
- ўқитувчининг ижодкорлик сифатларини;
- инновацион жараён: педагог ва унинг фаолиятини;
- педагогнинг компетенциявий пирамидасини;
- ўқитувчи педагогик фаолиятида касбий рефлексиянинг ўрни;
- таълимда дифференциал ёндашув жараёнида ўқувчиларнинг биологик ва ижтимоий омилларининг роли;
- характердаги индивидуал жинсий фарқлар;
- турли эмоционал бузилиши ва хулқида оғишиш мавжуд ўқувчиларни психологик ҳусусиятини;
- дидактик, академик, перцептив, нутқ қобилияти, ташкилотчилик, авторитар қобилияти, педагогик хаёл, диққатни тақсимлай олиш қобилияти, ҳиссий толиқиши, низоли вазиятларда ўзини бошқара олиш ва бошқалар ҳақида **билиши**;
- таълимга технологик ёндашув асосида машғулотларнинг ўқутарбиявий мақсадини қўя олиш;
- ўқувчилар фаолияти фаоллигини жадаллашлаштириш асосида педагогик технологияларни танлай олиш;
- турли эмоционал бузилиши ва хулқида оғишишлар мавжуд ўқувчиларга таълим-тарбия беришни;
- дидактик, академик, перцептив, нутқ қобилияти, ташкилотчилик,

қобилияти, педагогик хаёл, дикқатни тақсимлай олиш;

- жамоа аъзоларининг шахс ҳусусиятларини ва эмоционал ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, улар билан самарали мулоқот қилиш;
- низоли вазиятларда ўзини бошқара олиш;
- эмпатия, идентификация, рефлексия каби мулоқот механизмларини эгаллаш;
- таълим самарадорлигини ошириш учун педагогик ижтимоий перцепцияни ривожлантириш;
- шахснинг маънавий-ахлоқий сифатларини фаол шакллантириш, таълим-тарбия жараёнини педагогик технология тамойилларига мос равишда педагогик мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва амалга ошириш, ўқитиши мазмунига оид ахборотларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва ўқувчиларга етказиш **кўникмаларига**;
- ўқитувчиларга хос бўлган касбий сифатлар ва маҳсус қобилиятларни ўзлаштириш;
- ҳиссий толиқишини намоён қилмаслик;
- низоли вазиятларда ўзини бошқара олиш;
- эмпатия, идентификация, рефлексия каби мулоқот механизмларини эгаллаш, таълим самарадорлигини ошириш учун педагогик ижтимоий перцепцияни ривожлантириш;
- ўқув жараёнини технологиялаштириш;
- таълим-тарбия технологияларни ўз фаолиятида қўллай олиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва самарали бошқариш асосида педагогик технологияни танлай олиши, замонавий талаблар асосида дарсларни ташкил этиш **малакаларига**;
- жаҳон тажрибасида мавжуд инновацион таълим-тарбия технологиялардан хабардор бўлиши;
- ўқувчиларнинг мустақил изланиши ва ижодий фаолиятга жалб этиш **компетенцияларига эга бўлиши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Педагогик имидж ва компетентлик” модулини ўқитиши назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий машғулотларда “Замонавий педагог имиджи”, “Педагогнинг эмоционал толиқишининг психопрофилактикаси” ҳақида маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда педагог фаолиятига креатив ёндашув, педагогик қобилиятларни ривожлантиришнинг психотехнологик шакллари ҳақида топшириклар берилиб гурӯхларда ишланади.

Машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, грухли фикрлаш, кичик грухлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Мутахассислик фанлар” блоклари модуллари билан узвий боғланган ҳолда ўқитувчиларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларга илфор таълим-тарбия технологиялари ва жаҳон тажрибаси фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновацияларни ўргатиш ҳамда амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Мавзулар номи | Умумий соат | Жами аудитория соати | назарий | Амалий | Кўчма машнупот | Мустақил таълим |
|----------|--|--------------------|-----------------------------|----------------|---------------|-----------------------|------------------------|
| 1 | Педагог фаолиятига креатив ёндашув | 4 | 2 | | 2 | | 2 |
| 2 | Замонавий педагог имиджи | 2 | 2 | 2 | | | |
| 3 | Педагогнинг эмоционал толикишининг психопрофилактикаси | 2 | 2 | 2 | | | |
| 4 | Педагогик қобилияtlарни ривожлантиришнинг психотехнологик шакллари | 2 | 2 | | 2 | | |
| | Жами: | 10 | 8 | 4 | 4 | | 2 |
| | | | | | | | |

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Замонавий педагог имиджи (2 соат).

Педагогик касбининг ижтимоий аҳамияти. Педагогик назокат, самимиilik ва инсонпарварлик. Педагогик таъсир этишда ташқи кўринишнинг роли.

**2-мавзу:Педагогнинг
психопрофилактикаси (2 соат).**

Педагог фаолиятининг психогигиенаси. Ҳиссий толиқиши синдроми ва уни омилларини назарий-методологик асослари. Касбий деформация. Эмоционал холатларни барқарорлаштириш. Касбий фаолиятда хиссий толиқишини олдини олишни психопрофилактик асослари. Касбий реабилитация. Моббинг.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Педагог фаолиятига креатив ёндашув (2 соат).

Ўқитувчининг ижодкорлик сифатлари. Инновацион жараён: педагог ва унинг фаолияти. Педагогнинг компетенциявий пирамидаси. Ўқитувчи педагогик фаолиятида касбий рефлексиянинг ўрни.

2-амалий машғулот: Педагогик қобилияларни ривожлантиришнинг психотехнологик шакллари (2 соат).

Дидактик, академик, перцептив, нутқ қобилияти, ташкилотчилик, рефлексив ва эмпатив қобилиятини ривожлантириш. Педагогик хаёл. Диққатни тақсимлай олиш қобилияти. Таълим самарадорлигини ошириш учун педагогик ижтимоий перцепцияни ривожлантириш механизмлари. Таълим жараёнида низоли вазиятларни олдини олиш.

ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
 - давра сұхбатлари (күрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
 - баҳс ва мунозаралар (loyihalardan echimi bўyichada daliillar va asosli argumentlarni takdim qiliish, eshitish va muammolarni echimini topish қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

| № | Баҳолаш турлари | Максимал балл | Баллар |
|----------|--------------------------|----------------------|---------------|
| 1 | Кейс топшириқлари | | 1.5 балл |
| 2 | Мустақил иш топшириқлари | 2 | 0.5 балл |

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-тахлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақоролаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материаллар тарқатилади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, мавзу якунланади.

Намуна:

| Педагогик имидж ва компетентлик | | | | | |
|---------------------------------|-----------|-----------------------|-----------|----------------|-----------|
| Педагог ва ўқувчи муносабати | | Педагогик Компетенлик | | Педагог имиджи | |
| афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги | афзаллиги | камчилиги |
| | | | | | |

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|--|--|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан | ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки |

| | |
|---|---|
| таништириш | медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | ✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш | ✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш |
| 4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | ✓ якка ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш |

Кейс. Аудиторияда дарс вақтида сиз ўтаётган мавзуни жуда яхши биладиган ўқувчи бор, шу сабаб, у дарс давомида Сизга ва ўқувчиларга халақит бера бошлади: саволлари, фикрларга қўшилиши билан барчани диққатини бўлиб чалгита бошлади

Сизнинг ҳаракатингиз....

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурухда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

«ФСМУ» методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнилмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур методдан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ методининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Педагог имиджи ва компетенциявий ёндашув.”

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим оловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш қўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим оловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача

баҳоланиши мумкин.

Тест

Компетенция турларини белгиланг

- Касбий, маҳсус, умуммаданий
- Маҳсус, дидактик, амалий
- Касбий, маҳсус, умуммаданий. шахсий

Қиёсий таҳлил

- Педагогик қобилият турларини таҳлил қилинг?

Тушунча таҳлили

- Имидж, педагогик креативлик...

Амалий кўникма

- Таълим сифатини оширишда педагогик технологияларнинг аҳамияти?

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

| Тушунчалар | Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади? | Қўшимча маълумот |
|------------|--|------------------|
| Педагог | Муаллим, ўқитувчи. Ёш авлодга таълимтарбия берувчи шахс. Таълим-тарбия жараёнини ўрганувчи ва бу жараённи бошқариш муаммалари билан шуғулланувчи шахс. | |

| | | |
|--------------------------|--|--|
| Компетенция | Соҳага оид билим, кўникма, малака | |
| Педагогик назокат | Ўқитувчининг педагогик мақсадга мувофиқ, фойдали, қимматли ҳаракатларининг ўлчови, меъёри ва таъсир воситасининг чегараси сифатида характерланади. | |
| Самимийлик | Атрофдаги кишилар билан муносабатда соғдилилк, виждонлилик ифодаланадиган шахсий сифат | |
| Инсонпарварлик | Инсоннинг қадри эркинлиги баҳт-саодати тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхурлик қилишни ифодаловчи тушунча. | |
| Педагогик техника | Ўқитиш, таъсир қўрсатиш, таълим тарбия олувчиларга ўз ҳис-туйғулари, билимлари, ахлоқий фазилатларини узатиш технологиясини ифодалайди. | |
| Имидж | Аниқ бир инсонга бериладиган муносабатда инсонлар тафаккурида юзага келадиган ташкилот ёки ижтимоий объект қиёфасидир | |

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

- Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.
- Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат

кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гурухдошларини танишириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшилтирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.
4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.
5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.
6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.
7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.



НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ



1- мавзу : Замонавий педагог имиджи

Режа:

1. Педагогик касбининг ижтимоий аҳамияти
2. Педагогик назокат, самимилик ва инсонпарварлик
3. Педагогик таъсир этишда ташки кўринишнинг роли

Таянч иборалар: *Педагог, компетенция, педагогик назокат, самимилик, инсонпарварлик, имидж, педагогик техника, маданият, креативлик.*

1. Педагогик касбининг ижтимоий аҳамияти

Мамалакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан бир қаторда бугунги кунда таълим тизимининг ривожланиб бориши замон талабига мос таълим-тарбияга қаратилгандир. Педагогларнинг ўз устида ишлиши, тинмай изланиш олиб бориши ҳамда, ўқув жараёнини замон талаблари даражасида, илмий асосда ташкил этиш учун зарурий шароитларни яратиб бериш билан бир қаторда, ижтимоий тажрибаларга асосан иш олиб бориш лозимдир.

Педагогика атамаси ҳам қадимий бўлиб, “бала етакловчи” деган маънони билдирувчи грекча “пайдогогос” сўзидан келиб чиқсан. қадимги Юноностонда ўз хўжайнининг болаларини сайд қилдирган, эҳтиёт қилган тарбиячини, яъни қулларни “педагог” (бала етакловчи) деб аташган. Кейинчалик эса, маҳсус ўқитилган ва педагогликни ўзига касб қилиб олган кишиларни педагог деб атай бошлашган.

Педагогиканинг бош масаласи тарбиядир. Тарбия - шахсни муайян йўналишда шакллантириш, камол топтириш мақсадида турли одамларнинг бир-бирига таъсир кўрсатадиган ижтимоий муносабатдир. Инсонни тарбияси ҳақидаги ғоялар, қоидалар, қонунлар дастлаб қиссаларда, пандномаларда акс этган.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиб, бойиб боришида Шарқ ва Ғарб қомусий олим-педагогларининг ўрни каттадир. Файласуф Форобий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида тарбия орқали инсонга бериладиган 12 фазилатни шарҳлаб берди. А.Авлонийнинг ”Туркий Гулистон ёхуд аҳлоқ” асарида тарбия оид: **“Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир”** ҳақиқий тарбиянинг илдизларини кўришимиз мумкин. Ғарбда Ян Амос Коменскийнинг «Она мактаби» деган мактабгача тарбия қўлланмаси ва бошқа бир қанча китоблари дунё юзини кўрди. «Буюк дидактика»да ўқитиш табиийликка бўйсуниши керак дейилган. Боланинг ақлий ва жисмоний ўсиш жараёни табиатдаги ўсиш жараёнига ўхшаш бўлади. Шунинг учун педагог болани тарбиялаганда, боғбон дарахтнинг биологик ўсиш қонуниятини ҳисобга олган каби, ундаги табиий билиш

хусусиятини ҳисобга олиши шарт. Коменский ўқишига ҳамманинг тортилишини, ҳамма умумтаълим олиши кераклигини уқтиради. У биринчи бўлиб, синф-дарс тизимини ишлаб чиқди. «Буюк дидактика»да ўқитишнинг дидактик принциплари берилиб, дарс жараёнида ўқитувчи уларга суяниши кераклиги уқтирилади. И.Г.Песталоции, Гербарт, К.Д.Ушинскийлар ўз ижодий педагогик фаолиятларида педагогиканинг бош масаласи тарбия муаммосига турли муносабат билдириб, педагогика тарбия ҳақидаги фан эканлигини асослаб бердилар.

Педагогик касби муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зоро, педагог ёш қалблар камолотининг меъморидир. Бугун у ёшларни ғоявий – сиёсий жиҳатдан чиниқтириб, табиат, жамият, тафаккур тараққиёти, қонуниятларини ўргатар экан, аввало, у ёш авлодни келажак меҳнат фаолиятига тайёрлаши, касб – хунар эгаллашларига кўмаклашиши ва жамият учун муҳим бўлган ижтимоий – иқтисодий вазифани ҳал этишга ҷоғламофи даркор. Ана шу маъсулият ўқитувчидан ўз касбининг моҳир устаси бўлишни, ўқувчи - ёшларга тарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, эътиқоди ва амалий кўникуларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг оптималь йўлларини излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади. Бунинг учун педагогик маҳорат фани ўқитувчидан доимо касбий маҳорати устида изланиш учун, унга турли шарт – шароитлар яратиши, керакли моддий ва илмий – методик ёрдам кўрсатиши ҳамда ўқитувчининг ижодий ташаббускорлигини оширишига кўмаклашади.

Таълим-тарбия жараёнларини илмий асосларда ташкил этиш, ўқувчилар фаоллигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш асосида педагогик жараёнларнинг сифат ва самарадорлигини таъминлашда замонавий ёндашувларга асосланадиган, юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган, ўзини-ўзи ва ўз фаолиятини ўзи таҳлил қиласидиган ва объектив баҳолай оладиган, бой фалсафий ва маънавий дунёкарашга, психологик-педагогик ва ташкилий-технологик салоҳиятга эга бўлган, шунингдек, ахборотлар тўплаш, таҳлил қилиш, объектив баҳолаш, қайта ишлаш ва ахборотлар алмасиниш, педагогик жараёнларда вужудга келган муаммоли вазиятларда таълим олувчилар фаоллигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш, педагогик жараёнлар самарадорлигига ва ўқувчилар фаоллигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни олдиндан аниқлаш асосида таълим-тарбия жараёни самарадорлигини олдиндан кўриш кўникуларига эга бўлган ҳамда таълим-тарбия жараёни субъектлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш, мувофиқлаштириш, фаоллигини таъминлаш йўналишида зарурий билим, кўникумга ва малакаларга эга бўлган педагогни компетентли ўқитувчи дейишимиз мумкин.

Таълим муассасалари ўқитувчиларининг аксарияти педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ўқитувчининг асосий вазифалари таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва назорат қилиш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга ўрганилиши режалаштирилган мавзу бўйича зарурий ахборотларни етказиб беришдан иборат деб ҳисобладилар.

Бизнинг фикримизча, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнида педагоглар томонидан ўзига хос аҳамият касб этувчи қуйидаги вазифалар бажарилиши зарур:

- ўқув дастурида ўрганилиши режалаштирилган мавзуга мос равишда таълим жараёнининг таълим-тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини белгилаш;

- мақсадга мувофиқ кўзланган натижаларга эришиш учун вазифалар белгилаш ва белгиланган вазифаларни бажариш йўналишида ташкил этиладиган фаолиятни олдиндан режалаштириш, амалга ошириш йўл-йўриқларини ва қўлланиладиган педагогик технологияларни танлаш;

- вазифаларнинг мазмун ва моҳиятига кўра ўқувчиларнинг имкониятларини олдиндан аниқлаштириш ва вужудга келиши мумкин бўлган вазиятларни олдиндан башорат қилиш асосида бажариладиган вазифаларни имкониятларга кўра тақсимлашни режалаштириш;

- таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;

- педагогик жараёнда ўқувчиларнинг субъективлигини таъминлаш ва фаоллигини оширувчи технологияларни татбиқ этиш жараёнларини лойиҳалаштириш;

- педагогик жараёнда фойдаланиладиган дидактик воситаларни танлаш ва олдиндан тайёрлаш;

- педагогик жараёнларнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминловчи чора-тадбирларни белгилаш;

- таълим муассасалари, оила ва маҳалланинг ўзаро алоқасини таъминлаш;

- педагогик жараёнларда илғор педагогик тажрибалар ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилиш;

- ДТС ва давлат талабларини амалиётда қўллаш ва унинг мониторингини олиб бориш;

- ўқувчилар ўртасида анкета сўровлари ва сухбат ўтказиш асосида ахборотлар тўплаш ва таҳлил қилиш;

- ўқувчилар фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишида белгиланган вазифаларни қайта кўриб чиқиш, янгилаш;

- ДТС ва ДТ асосида мустақил таълим жараёнларини ташкил этиш;

- ўқувчиларнинг мустақил таълим жараёни натижаларига қизиқишини шакллантириш ва рағбатлантириш асосида инновацион фаолиятни ташкил этиш;

- ўқувчиларнинг ўқув, меҳнат ва ўйин фаолиятларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

Демак, таълим муассасалари педагогларининг ўз функционал вазифаларини амалга ошириш жараёни педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга йўналтирилган вазифаларни амалга ошириш жараёни бўлиб, педагогик жараёнларда кўзланган натижаларга эришиш учун белгиланган мақсадлар йўналишидаги субъект (ўқитувчи-ўқувчи)лар фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, педагогик жараёнларда бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш орқали субъектларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутади. Педагогнинг ижтимоий аҳамият касб этувчи турли фаолиятлари давомида зарурий педагогик кўнималарининг шаклланиши, касбий қобилиятини намоён этиш жараёнида эса унинг учун муҳим аҳамиятга эга бўлган интеллектуал қобилият, тасаввур ва тушунчалари, тафаккури ривожланади, ва маънавияти ошади.

2. Педагогик назокат, самимийлик ва инсонпарварлик

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури замонавий педагог жавоб берниши керак бўлган талаблар комплексини белгилайди. Қуйидагилар мутахассиснинг педагогик ишга тайёрланганлигининг зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган асосий талаблар ҳисобланади.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан таълимга қаратилаётган эътибор барча педагогларнинг ўз устида ишлиши, тинмай изланиш олиб бориши ҳамда ўқув жараёнини замон талаблари даражасида, илмий асосда ташкил этишлари учун зарурий шароитларни яратиб бериш билан бир қаторда, таълим соҳасига ёш мутахассисларнинг келиб қўшилишига имконият яратмоқда, бу эса ўз навбатида таълим муассасаси педагоглар олдига янада янги вазифалар қўяди.

Маълумки, инсон ҳар доим ўсиш ва ривожланишдадир. Шундай экан, инсон камолотига таъсир этувчи омилларниг илмий-назарий моҳиятини барча педагогик жамоалари тўғри тушунишлари лозим. Ҳар бир педагог, ўз педагогик фаолиятини турли хил шароитларда ва жамоаларда инсонлар таъсирида амалга оширади.

Педагогик маҳорат фанининг мақсад ва вазифаларини тўла амалга ошириш учун, аввало, педагогик маҳорат тушунчасининг моҳият-мазмуинини билиш, унинг барча компонентлари тўғрисида маълумотга эга бўлиб, уларнинг бирлиги, изчиллигини таъминлаш лозим. Чунки уларнинг бирини ўзгариши, табиий ҳолда иккинчисининг ўзгаришига олиб келади. Натижада педагогик

маҳорат тўлақонли мазмунга эга бўлмай, уни эгаллаш қийин бўлиб қолишимумкин.

Хўш, педагогик маҳоратнинг ўзи нима? Уни қандай эгаллаш мумкин?

Педагогик маҳорат - бу ўқитувчи – тарбиячининг шундай **шахсий** (болажонлиги, хайриҳоҳлиги, инсонпарварлиги, меҳрибонлиги, самимийлилиги, назокати ва ҳ.к.) ва **касбий** (билимдонлиги, зукколиги, фидойилиги, ижодкорлиги, эрудицияси ва ҳ.к.) фазилатларини белгилайдиган хусусиятки, у ўз ўкув фанини чуқур ва атрофлича билишида, педагогик – психологияк ва методик тайёргарлигига, талаба – ёшларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптималь йўлларини излаб топиб, амалий фаолиятга қўллашида намоён бўлади.

Шундай қилиб, педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўз ўкув предметини давр талаблари асосида билиши, педагогика, психология, методика фанларини мукаммал ўзлаштириши ҳамда инсонийлик, меҳнатсеварлик ва фидойилик каби маънавий – ахлоқий фазилатларни ўзида таркиб топтириши лозим.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтмоқ зарурки, педагогик касби мураккаб ва маъсулиятли касбdir. Ушбу касбнинг шарафлилиги ва мураккаблиги шу билан белгиланадики, у доимо онгнинг ягона соҳиби бўлган инсон билан мулоқотда бўлади. Онгли ва тирик жонзот эса ақлий, руҳий, ҳамда жисмоний жиҳатдан доимо ривожланишда бўлади. Шунинг учун, ўқувчи билан доимо мулоқотда бўлганда, унга таъсир кўрсатиш учун мунтазам равища психология, тарбия назарияси каби фанларни мукаммал ўрганиб, ўз касбий маҳорати устида муттасил иш олиб бориши керак. Бу ўқитувчидан педагогик – психологик ва методик тайёргарликни таъминлайди. Педагогик маҳорат - педагогик жараёнда таркиб топади. Педагогик жараён эса касбий ва шахсий тайёргарликни йўлга қўйиб, бўлажак мутахассисни меҳнатга, ҳаётга тайёрлаш учун давлат, жамият, миллат ва келажак авлод олдида жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашга хизмат қиласи. Шунинг учун, педагог шахсий ва касбий фазилатлар эгаси бўлиши лозим. Педагогнинг шахсий фазилатлари сирасига иймон – эътиқоди, дунёқарashi, ижтимоий эҳтиёж ва фаоллиги, одоб – ахлоқи, фуқаролик бурчларини ҳис қилиши, маънавияти, дилкашлиги, талабчанлиги, қатъийлиги ва мақсадга интилиши, инсонпарварлиги, ҳуқуқий билимдонлиги ва ҳ.к.лар киради. Булар ўқитувчига касбий хусусиятларни ўзида тарбиялаб боришга кўмаклашади.

Юқорида қайд этиб ўтилган ва педагогик маҳоратга берилган таъриф, ҳамда ўқитувчи-тарбиячининг профессиограммаси хусусиятлари ва ўқитувчига қўйиладиган ижтимоий–иқтисодий, сиёсий-маданий талаблардан келиб чиқиб

педагогика назарияси педагогик маҳоратни қўйидаги асосий компонент (таркибий қисм)лардан иборат бўлиши лозимлигини ифодалайди.



Буларнинг барчаси хусусий моҳият-мазмун касб этсада, улар яхлит ҳолда ўқитувчи-тарбиячи(педагог)нинг касбий малакаларининг мазмунини ифодалайди.

Зеро, **педагогик техника** – ўқитиши, таъсир кўрсатиш, таълим тарбия олувчиларга ўз хис-туйғулари, билимлари, ахлоқий фазилатларини узатиш технологиясини ифодаласа, **педагогик мұомала** – ўқитувчи касбий фаоллигининг бир кўриниши бўлиб, таълим - тарбияда шу жараён иштирокчиларининг ўзаро таъсир ва ҳамкорлигини акс эттиради.

Педагогик ижод – ўқитувчининг маҳорат пиллапояларидан кўтарилишида яратувчанликни, ташаббускорликни, педагогик уддабуронликни ва тадбиркорликка элтувчи йўлни, бу йўлдаги қийинчиликлардан қўрқмасликни англатади. Ўз навбатида бу соҳада ўқитувчининг **педагогик қобилияти** ҳам мухим аҳамият касб этади. Чунки у педагогик жараёнда ўқитувчининг ақлий, эмоционал – иродавий жиҳатларини, ташкилотчилигини, билимдонлигини ва уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳамда яхлит бир бутунлик касб этишини ифодалайди.

Педагогик маданият ўқитувчи-тарбиячилик бурчи, масъулияти, қадр-қиммати, виждони, ахлоқий эътиқодини назарда тутиб, ўқитувчининг талабчанлиги, адолати, комиллиги, ростгўйлиги, тўғрилигини англатади. Педагогик маҳорат тизимида **педагогик назокат (такт)** – ўқитувчининг педагогик мақсадга мувофиқ, фойдали, қимматли ҳаракатларининг ўлчови, меъёри ва таъсир воситасининг чегараси сифатида характерланади. Педагогик маҳоратнинг қайд қилинган таркибий қисмлари ўқитувчининг касбий хусусиятларини бойитади ва уни моҳирлик сари етаклайди ва ўқитувчи - тарбиячидаги педагогик маҳорат малакаларининг таркиб топишига ёрдам беради. Аммо, ўз касбининг моҳир устози бўлиш учун фақатгина уларга таяниб, иш

тутиш кутилган натижани бермаслиги мумкин. Бунинг учун мунтазам равища педагогик фикрлаш, педагогик ўйлаш, педагогик иш тутиш лозим бўлади. Бу деганимиз, ўз фаолиятини педагогик ҳодисаларни, вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг ҳар бир боғланиш жойларини англашга интилиш, кунлик натижаларни мустақил равища таҳлил қилиши ва янги таълим-тарбияга доир ғояларни аввалгилари билан таққослай олишга одатланиши ҳам лозим бўлади. Асосий педагогик-психологик муаммоларни топа олиш уларни ҳал этишнинг энг қулай йўлларини топиш устида ўйлаш ҳам керак.

Инсонпарварлик-инсоннинг қадри эркинлиги баҳт-саодати тенг хуқуқлилиги тўғрисида инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхурлик қилишни ифодаловчи тушунча. Педагогларнинг индивидуал психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўз имкониятларидан тўғри фойдаланиш; олдиндан аниқланаётган вазиятларга нисбатан тўғри муносабатда бўлиш, ўзгалар мувоффақиятини оқилона баҳолаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришда адолатлилик.

Самимилик- атрофдаги кишилар билан муносабатда соғдилилк, виждонлилик ифодаланадиган шахсий сифат

Ватанинни севиш- она юртига, ота-онасига ва ёру дўйстларига садоқатли бўлиш ва эътиқод қилиш; мустақил республикамиз конститутцияси ва қонунлари, давлатимиз рамзлари, миллий урф-одатлар ва умуминсоний қадриятларга содиқлик;

Фидоийлик. Табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш, ота-боболаримиз қолдирган маданий меросларни тўплаш, ўрганиш, авайлаб сақлаш ва тарғиб қилиш.

Педагог қўйидаги Компетенциявий хусусиятлара эга бўлиши лозим:

Компетенция-соҳага оид билим, кўникма, малака, қарашлар мажмуи, шахснинг қадрияти ва сифатлари, квалификациянинг намоён бўлиши ёки таъсир кўрсатиш қобилияти.

Компетентлик-муайян лавозимга мос ўз касбининг моҳир эгаси бўлган шахсга хос сифат.



Касбий компетенция

- Педагогика ва психологияга доир билимларга эга бўлиш;
- Ўз устида ишлаш;
- Таълим жараёнини режалаштириш, баҳолаш ва қайта алоқани ўрната олиш;
- Ўқувчиларда мотивацияни шакллантириш;
- АҚТни билиши;
- Таълим муҳитига янгилик киритиши;
- Ўз фанини мукаммал билиши;
- Хорижий тиллардан бирини билиши.

Касбий компетенцияни шаклланиш босқичлари:

- Ўз-ўзини таҳлил қилиш ва зарур нарсаларни англаш;
- Ўзини ривожлантириши режалаштириш мақсад, вазифа белгилаш;
- Ўзини намоён этиш ва камчиликларини тузатиш;

Шахсий компетенция

- Мулоқатчанлик
- Бағрикенглик
- Етакчилик
- Фаоллик ва ташаббускорлик
- Мослашувчанлик
- Соғлом турмуш тарзига амал қилиш
- Маъсулиятлилик
- Ишchanлик
- Инсонпарварлик
- Самимийлик
- Назокатлилик.

Умуммаданий компетенция

- Маълумотли
- Маданиятли
- Умуминсоний қадриятларга эгалик
- Миллий маданиятга эга бўлиш
- Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этиш
- Бошқа миллатларнинг маданиятини ҳурмат қилиш.

Махсус компетенция

- Фанига доир махсус методларни билиш
- Ўқувчилар эҳтиёжини билиш
- Турли ёш хусусиятларини билиш.

3. Педагогик таъсир этишда ташқи кўринишнинг роли

“Замонавий билим бериш учун аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак”

И.А.Каримов

Педаголар ҳар томонлама таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиши билан бирга ўзларининг ташқи қиёфасига ҳам эътибор бериши лозим. Ташқи қиёфа орқали инсонларнинг қизиқишлигини орттирган ҳолда, ўзини намоён қила олиш, ўзига оғдира олиш ва эътиборни қарата олиш дарс жараёнини самарадорлигини оширади. Педаголарда факатгина истеъоддининг ўзи етарли эмас, балки ўқувчиларга ёқа олишни ҳам билиши керак.

Луғавий жиҳатдан “**имидж**” (инг. “image”) тушунчаси “сиймо”, “тимсол”, “қиёфа” ва “образ” маъноларини англатади. Моҳиятига кўра эса ушбу тушунча ёрдамида “жозиба”, “мафтункорлик” маъноларини ифодалайди.

Имидж - аниқ бир инсонга бўлган муносабатда инсонлар тафаккурида юзага келадиган ташкилот ёки бошқа ижтимоий объект қиёфасидир.

Педагогик имидж - педагогнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси билан ташқи кўриниши ўртасидаги ўзаро уйғунлик ва мутаносиблиқдир.

Ўқитувчининг ташқи қиёфасини ифодаловчи маданияти

1. Гавдани тутиш-тўғри тутиш(юришда, ўтириб туришда), қўлларнинг ўқитувчи столида эркин ҳолатда бўлиши, батартиблиги, ихчамлиги.

2. Кийим- озодалиги, шинам ва башанглиги, камтарлиги, ранглнинг мос ҳолда танланиши, кийимнинг ёшига ва қасбига мослиги, кийимни модага мувофиқлиги, бижутерия, тақинчоқларнинг кўп ва камлиги, ишига мослиги.

3. Пардознинг меъёрдалиги, ёши, қасби ва ишига мосиги.

4. Соч турмаги(сочнинг маълум бир тартиблилиги).

5. Педагогнинг мимик ва пантомимик ифодаси. Ўқитувчининг педагогик техникаси тизимида мимик ва пантомимик ифодалари ҳам муҳим ўрин тутади. Педагогнинг мимик ва пантомимик ифодаси, ўқитувчининг имо-ишорасида, маъноли қарашларида, рағбатлантирувчи ёки кинояли табассумида намоён бўлади ва улар ўқитувчи-тарбиячининг педагогик таъсир кўрсатишида, ўқувчи-талабаларга машғулотларни таъсирчан, қизиқарли, самарали ва мазмунли ўтиш учун пухта замин тайёрлаб беради.

6.Мимика-ҳис-ҳаяжоннинг ифода этиши, юз мушакларининг, маъноли ҳаракатларнинг сўзлаётган нуқтага гапга мослиги. Мимика- бу ўз фикрларини, кайфияти, ҳолати, ҳиссиётини тингловчи бажараётган ишдан розилиги ёки норизолигини билдириш мақсадида учун юз, қош, кўз мускулларини ҳаракатга келтира олиш санъатидир. Баъзан юзнинг ва нигоҳнинг ифодаси ўқувчиларга

катта тарбиявий таъсир кўрсатади. Мимик ҳаракатлар, ифодалар маълумотларнинг ҳиссий аҳамиятини кучайтириб, уларни чуқур ўзлаштириш учун имкон яратади. Ўқувчи педагогга қараб унинг кайфиятини, муносабатини «ўқиб» оладилар. Шунинг учун уйдаги баъзи нохушликлар ўкув машғулотларига таъсир кўрсатади. Мимик ифодалар ўқувчининг ўкув кайфиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмаслиги керак. Юз ифодасида, мимик белгиларида факат дарс машғулотларига хос таъсирини кўрсата билиши талаб этилади. Бу ўкув - тарбия топшириқларини ечиш ўқувчилар таълими ва тарбиясига ижобий йўналиш бера оладиган кўринишларни ифодалаши лозим.

Юз ифодаси, эса ўз навбатида нутқ ва муносабат ҳарактерига мос бўлиши керак. У ишонч, маъқуллаш, таъқиқлаш, норозилик, қувонч, фахрланиш, қизиқувчанлик, бефарқлик, иккиланиш каби хусусиятларда ифодаланиши мумкин. Мимик ифоданинг асосий детали сифатида қайд қилинганидек қош, кўз, юз кўриниши ва мускуллари иштирок этади. Кўз, қош, юз ўқувчи-талабалар жавобидан қониқиши, хурсанд бўлиш, фахрланиш ёки эътироф, норозилик, қониқмаслик, хафа бўлиш ва бошқа белгиларни ифодаласа, таълим оловчилар диққатини бўлмасдан, бошқаларга халақит бермасдан таълим - тарбия ишларини олиб бориш муваффақиятли кечади. Шуни ҳам алоҳида эътироф этиш жоизки, мимик ифодалар намойиш қилинаётган пайтда ўқитувчининг нигоҳи ўқувчи-талабаларга, ёки айрим ўқувчиларга қаратилган бўлиши зарур. Доскага, эшикка, деразага, кўргазма қуролларга ёки деворга нигоҳ ташлаб мимик ифодаларни намойиш қилишдан қочиш лозим.

6.Пантомимика- қўл, оёқ, гавда ҳаракатлари: юриш, қадам ташлаш, эркин ҳаракат қилиш, жестлар ва бошқалар. **Пантомимика** – бу гавда, қўл, оёқ ҳаракатидир. Ўқитувчи дарсда ўкув маълумотларини баён қиласар экан, гавда ҳолати орқали маълумотларнинг образини чизади, ўқувчи-талабалар бундан завқланадилар, ички ҳис-туйғулари, уларнинг ташқи ҳиссиётлари билан қўшилиб бутун борлиқ маълумотлар мазмунини ўзлаштиришга қаратилади. Гавдани рост тутиб юра билиш, фикрларини аниқ ва тўлиқ баён қила туриб қўл, бошни турли ҳаракатларга келтириш ўқитувчининг ўз билимига, кучига ишончини англатади. Шуни ҳам унумаслик керакки, ўқитувчи талабалар олдида ўзини тута билса, ҳаракатларини тартибга келтира олса, ўқув-тарбия жараёни самарали бўлади. Маърузада оёқлар 12-15 см. оралиқда бир оёқ сал олдинга сурилган ҳолда туриш бу ўқитувчининг фанини мукаммал бўлиши, уни тушунтира олишига ишорадир. Ўқитувчининг ишоралари маъноли бўлиб, у ортиқча ҳаракатлардан холи бўлмоғи даркор. Масалан, кераксиз ҳолларда қўллари билан имо-ишоралар қилиш, бошини ўёқ-буёққа ташлаш, оёқларини кериб ўтириш ва х.к. Бундай ҳолатлар ўқувчи-талабаларнинг ғашини келтиради ва ўкув фанига, ўқитувчига нисбатан хурматсизлик ҳис-туйғуларини уйғотади.

Ўқитувчи аудитория (синф)да юрган пайтида фақат олдин ва орқага қараб юриши тавсия этилади. Чунки, агар у ён томонларга, яъни, у ёндан, бу ёнга юрса талабалар фикри бўлинади ва улар тез чарчаб қоладилар. Олд томонга юраётганида, ўқитувчи энг муҳим воқеаларни баён қилиши лозим, чунки бунда талабалар ўқитувчини бутун диққатлари билан эшитаётган бўладилар. Юзи талалабаларга тескари ҳолда юраётганда унча аҳамиятга молик бўлмаган фикрларни айтиш, далиллар келтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, бу вақтда ўқувчи-талабалар бир оз эркин ҳолатда ўзларини хис қилаётганбўладилар.

7.Ўз ҳиссиётини бошқара олиш малакаси. Ўқитувчининг педагогик техникаси тизимида ўз ҳатти-ҳаракати, ҳиссиётини идора қилиши ва руҳий (психик) ҳолатини бошқара олиши таълим-тарбия жараёни учун муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи таъсир кўрсатиш вақтида (дарсда, дарсдан ташқари машғулотлар пайтида, тарбиявий ишлар жараёнида) ўз ҳиссиётини бошқара олиши, жиддий бўлиши, умидбахшлик, ҳайриҳоҳлик кайфиятда бўла олиши ҳам педагогик техника тизимининг муҳим элементидир. Буюк рус педагоги А.С.Макаренко айтганидек: «Тарбиячи ташкил этишни, юришни, ҳазиллашишни, қувноқ, ёки жаҳлдор бўлишини билиши лозим, У ўзини шундай тутиши керакки, унинг ҳар бир ҳаракати тарбияласин ва ўқитсан». Бундай малакага эга бўлган педагог ўз-ўзини назорат қила олади, педагогик фаолияти давомида соғлом асаб тизимини ўзида тарбиялай олади, асабийлашишдан, ҳиссий ва ақлий зўриқишлардан ўзини асрайди. Ўз ҳатти - ҳаракати, ҳиссий ҳолатини назорат қилишда педагог, аввало, ўзида қўйидагиларни шакллантириши лозим:

- ҳайриҳоҳлик ва оптимизм руҳида бўлиш;
- ўз хулқини назорат қилиш, (мускул зўриқишини, ҳаракатини, нутқ темпини, нафас олишини тартибга солиш);
- фаолиятни дам олдириш, яъни лирик, мусиқавий, юмористик, жисмоний дақиқаларни яратиш;
- ўз - ўзига салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ва ҳ. к.

8.Ўқитувчининг актёрлик ва режиссёрлик малакалари. Ўқитиши самарадорлигини ошириш ва ижобий тарбиявий таъсир кўрсатиш учун ўқитувчи педагогик техникаси тизимидан ўрин олган яна бир малака – бу ўқитувчининг **актёрлик ва режиссёрлик** малакасидир. Хусусан, адабиёт, одобнома, маънивият асослари, тарих ўқитувчилари учун актёрлик малакаси ниҳоятда зарур. Маълум мавзулар, образлар, тарихий қаҳрамонларни тавсифлаётганда актёрлик, ўкув маълумотларини сўраш, ўқувчи-талабалар фаолиятини ташкил этишда эса, ўқитувчига режиссёрлик малакалари зарур. Бу малакалар ўқитувчига ёшлар билан муомала қилишда тарбияланувчи –

талабаларнинг ақл - идроккина эмас, балки уларнинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатиш, уларга оламга нисбатан ҳиссий - қадриятли муносабатда бўлиш тажрибасини ўзлаштиришга ёрдамлашади.

Шундай қилиб, ўқитувчида юқорида қайд этиб ўтилган педагогик техника кўникумаларини тарбияланган бўлса, у ёшларни ўқитиши, тарбиялаш, ва уларни шахс сифатида камол топтириш соҳасида муваффақиятга эришади. Таъкидланганидек шахсий-касбий малакалар ўқитувчининг ижтимоий – гуманитар, ихтисослик ҳамда маҳсус фанлар бўйича билимларини бойитади педагогик маҳоратни эгаллашга интилишни кучайтиради, ўз касбига қизиқиш ва бурч, ҳамда масъулиятни ҳис қилишни ривожлантиради. Ва бу малакалар ёшларни ўқитиши, тарбиялаш, ташкил қилиш, тарғибот қилиш, мустақил билим олиш ишларига ёрдам беради.

Кийимнинг вазифаси – бу нафақат инсонни иссиқдан, совуқдан ҳимоя қилиш, балки ўзига жалб этишни ҳам уddeлаши керак. Кийимга қараб инсонга баҳо берилади албатта, озода, ярашган ва сипо кийим кишининг ишига талабчанлиги ва ички камтарлиги ҳақида маълумот беради.

Педагогнинг ижобий қиёфаси ва жозибаси, ўқувчиларга психотерапевтик таъсир ўтказади ҳамда таълим самарадорлигини оширади.

Назорат саволлари

1. Педагогнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни қандай?
- 2.“Компетентлик” тушунчаси қандай маънони англатади?
3. Касбий компетентлик нима ва у қандай ҳолатларда намоён бўлади?
4. Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади?
- 5.“Маҳорат” ва “педагогик маҳорат” тушунчалари қандай маъно англатади?
6. Педагогнинг компетенциявий хусусиятларини сананг?
7. Самимилик ва инсонпарварлик туйғуларини изоҳланг?
8. Педагогик назокат тушунчасини изоҳланг.
9. Педагогик маҳорат қандай муҳим таркибий қисмлардан иборат?
11. Педагогик билимдонлик ва педагогик одобнинг асосий шакллари нима?
- 12.“Маҳорат” ва “педагогик маҳорат” тушунчалари қандай маъно англатади?
13. Педагогик маҳорат қандай муҳим таркибий қисмлардан иборат?
14. Педагогик билимдонлик ва педагогик одобнинг асосий шакллари?
- 15.“Мимика”, “Пантамитика” тушунчаларини қандай изоҳлайсиз?
16. Имидж ва педагог имиджни таърифини келтиринг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов. И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 62 б.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 173 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни. 1997. – 31-61-б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 214 б.
5. Каримова В.М. Ижтимоий психология / Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун. – Тошкент: “ Fan van texnologiyalar”, 2007.
6. Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности – СПб.: СПГУТД, 2006.
7. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009.
8. Иванов Р.И., Зуфарова М.Э. Умумий психология / Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2008. –
9. Mavlonova R., To’rayeva O., Xoliqberdiyev K. Pedagogika (kasb-hunar kollejlari uchun darslik). Ikkinchı nashri. – Toshkent: “O’qituvchi“ NM ijodiy uyi, 2008.
10. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004.
11. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.
12. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши. Насаф, 2000.
13. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007.
14. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Мет. қўлл. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2012.
15. Педагогика фанидан изоҳли луғат / Тузувчилар Ж.Ю.Ҳасанбоев ва бошқ. – Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.
16. Сайидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология.– Т.: ОПИ, 2003.
17. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005
18. Husanov B., G’ulomov V. Muomala madaniyati / Darslik. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2009

19. С.Т.Турғунов, Б.Х.Данияров, Д.М.Отажонова. Ўқитувчиларда касби компетентлигини ривожлантиришда таълим муассаси раҳбарларининг функционал вазифалари.”Сано-стандарт”, Тошкент.2011
- 20.Маърифат газетаси 2017-йил 8-февраль
- 21.<http://ru.wikipedia.org/wiki>.
22. http://conf.edu.yar.ru/docs/adult/rf411_256.pdf.

**3-мавзу: Педагогнинг эмоционал толиқишининг
психопрофилактикаси**
Режа:

1. Педагог фаолиятининг психогигиенаси
2. Ҳиссий толиқиш синдроми ва унинг омилларини назарий методологик асослари
3. Касбий деформация
4. Касбий фаолиятда ҳиссий толиқишини олдини олишнинг психопрофилактик асослар

Таянч тушунчалар: ҳиссий бузилиши, деформация, касбий психогигиена, касбий реабилитация, касбия адаптация.

Педагог фаолиятининг психогигиенаси

“Ўқитувчи-дейди Ал Форобий - ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ, ифодалай олишни билмоғи зарур”. У ўз фикрини давом эттириб, “Ўқитувчи ва раҳбарнинг вазифаси доно давлат раҳбари вазифасига ўхшайди, шу сабабли ўқитувчи эшитган ва кўрганларининг барчасини эслаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ, ифодалаб беришни билмоғи лозим. Шу билан бирга ўз ор-номусини қадрлаши,adolatli бўлиши лозим. Ана шундагина у инсонийликнинг юксак даражасига эга бўлади ва баҳт чўққисига эришади” деб таъкидлайди.

Педагоглик мураккаб, лекин шу билан бирга шарафли касбdir. Педагог фаолиятининг негизида эмоциоген омиллар бисёрdir. Бундай эмоциоген омиллар таъсирида касбий дезадаптация ва шу билан бирга касбий яроқсизлик ҳолатлари келиб чиқиши табиий. Н.В.Клюев таҳрири остида нашр қилинган “Педагогическая психология” дарслигига педагогларнинг психологик саломатлигини саклашга қаратилган фаолиятнинг олти жиҳатини ажратиб кўрсатган:

1) ўзига нисбатан ижобий муносабат; 2) шахснинг оптимал даражадаги тараққиёти, ривожланиши ва ўзлигини намоён қилиши; 3) психик интеграция; 4) шахсий мустақиллик; 5) атроф мухитни реал идрок этиш; 6) атроф-мухитга адекват таъсир ўтказа олиш.

Деярли 80% педагоглар ўзларида “қуиши синдроми”, яъни доимий эмоционал зўриқиши билан боғлиқ бўлган эмоционал, жисмоний ва ақлий тўйинишни ўзида мужассамлаштирган мураккаб психофизиологик феноменни мавжудлигини таъкидлайдилар. Мазкур синдром депрессив ҳолат, чарчоқ ҳисси ва лоқайдлик, шижаот ва энтузиазмнинг этишмаслиги, ўз фаолиятининг ижобий томонларини кўра олмаслик ва ишга, умуман ҳаётга нисбатан муносабатда салбий установкаларда намоён бўлади.

Педагогнинг эмоционал ҳолатига жамоадаги мухит ва раҳбариятнинг муносабати таъсир қиласи. Агар таълим муассасаси раҳбарияти ҳодимлар учун касбий ўсиш учун шароит яратса, қўллаб-кувватласа, жавобгарликни тенг тақсимласа бундай мухит педагоглар жамоасидаги ижобий эмоционал мухитни шаклланишига хизмат қиласи.

Педагоглар фаолиятини ташкил қилишда уларнинг руҳий саломатлигига хавф соловчи қуидаги омилларни бартараф этиш лозим:

- педагогик жамоадаги зўриқишилар ва низолар, жамоа томонидан қўллаб-кувватланишининг йўқлиги;
- педагогларнинг ўз устида ишлашига шароит яратилмаган ва таълим новацияларини жорий этиш мухитининг йўқлиги, фаолиятдаги бир хиллик;
- педагогик жамоа томонидан етарлича эътибор берилмаслиги ва тан олинмаслик;
- таълимий воситаларнинг танқислиги туфайли зўриқиши;
- педагоглардаги педагогик фаолият моделининг реал ҳолати ва идеалдаги ҳолатидаги тафовутларнинг борлиги;
- касбий карьеранинг ва истиқболнинг йўқлиги;
- ўқувчиларнинг мотивациялашмаганлиги натижасида келажакни “кўра билмаслик”;
- педагогнинг шахсий низолари ва нотўлиқлик ҳисси.

Юқоридаги ҳолатга тушиб қолган педагоглар билан ишлашда қуидаги терапевтик усуллар қўлланилади: бихевиорал, гуманистик, когнитив ва бошқалар.

Немис олими Ф.Штауфенбил ўтказган маданий-социологик тадқиқотидан сўнг меҳнат маданияти деган тушунча пайдо бўлди ва бунда педагогларнинг қуидагиларга эътибор қаратиши тавсия этилди:

1. Ақлий ва жисмоний ўзаро меҳнатни алмаштириб қўллаш.
2. Педагогик жамоада ижобий мухитни шакллантириш.

3. Мехнатни илмий ташкил этиш.
4. Атроф-муҳитнинг эстетик безакларига эътибор қаратиш.

Ҳиссий толиқиши синдроми ва унинг омилларини назарий-методологик асослари

Киши идрок этиш, хотирлаш, хаёл суриш ва фикрлаш жараённида фақат воқеликни билиб қолмай, балки ҳаётдаги у ёки бу нарсаларга муносабат билдиради, унда уларга нисбатан ижобий ёки салбий ҳис-туйғу уйгонади. Мамнун бўлиш, суюниш, ғазабланиш кабилар ҳис-туйғуларнинг куринишларидир. Ҳис-туйғулар кишининг ўз ҳаётида нималар юз бераётганига, нималарни билиб олаётганига ёки нима билан машғул бўлаётганига нисбатан ўзича турли хил шаклда билдирадиган ички муносабатидир. Ҳис-туйғулар ўзининг кечишига кўра ўзгариб турадиган психик жараёндир.

Ҳис-туйғуларни бошдан кечиришнинг турли шакллари- эмоция, аффект, қайфият, кучли ҳаяжонланиш (стресс), эҳтирос кўринишларига эга бўлади. ҳис-туйғулар шахснинг эмоционал соҳасини ташкил этади.

Кишида ҳис-туйғулар унинг эҳтиёжлари кондирилиши жараёни қандай кечётганлиги белгиси сифатида намоён бўлади.

Барча психик жараёнлар каби эмоционал ҳолатлар, ҳис-туйғуларнинг кечиши ҳам мия фаолиятининг натижаси бўлиб ҳисобланади. Эмоциянинг пайдо бўлиши ташқи оламда рўй берадиган ўзгаришлардан бошланади. Бу ўзгаришлар киши ҳаёти ва фаолиятининг жонланишига ёки пасайишига, бир хил эҳтиёжларнинг пайдо бўлишига ёки йўқолишига, киши организми ичидаги юз берадиган жараёнлардаги ўзгаришларга олиб боради. Ҳис-туйғулар кечишига оид физиологик жараёнлар ҳам мураккаб шартсиз ва шартли рефлекслар билан боғлиқдир.

“Ҳиссиёт” (“эмоция”) ва “ҳис-туйғу” деган сўзлар кўпинча синонимлар сифатида қўлланилади. Торроқ маънода олганда, бу қандайдир бироз доимиyroқ ҳис-туйғуларнинг бевосита ва вақтинча бошдан кечирилишдан иборатдир. “Эмоция” сўзи руҳий ҳаяжонланиш, руҳий характерланиш деган маънони беради.

Эмоциялар стеник ва астеник турларга бўлинади. Стеник ҳислар кишининг ғайратлантирса, астеник ҳислар эса унинг фаолиятини сусайтириб юборади.

Кишини тез чулғаб оладиган ва шиддат билан ўтиб кетадиган ҳис-туйғу аффект (ҳиссий портлаш) деб айтилади. Бу пайтда киши онг билан ишлай олмайди, ўзини бошқара олмайди, назорат кескин сусайиб кетади, ирода ўзига буйсунмайди.

Кайфиятлар унча кучли бўлмаган, лекин узоқ вақт давом этадиган баркарор хисдир. Кайфият шоду-хуррамлик ёки кайгули, тетиклик ёки ланжлик, ҳаяжонли ёки маюслик, жиддий ёки енгилтаклик, жиззакилик ёки мулойимлик кабилар тарзида кечади.

Стресс – кучли хиссий зурикишдан иборат жараён. Ҳиссий зурикиш хавф-хатар тугилган, киши хафа булган, уялган, тахлика остида колган вазиятларда руй беради.

Эҳтирослар деб киши хатти-харакатлари йуналишини белгилайдиган, баркарор, чукур ва кучли хисларга айтилади. Масалан, рассомликка, мусикага эҳтирос, бедана уриштириш кабиларга эҳтирос.

Ҳис-туйғулар хайвонларга ҳам хос. Лекин инсоннинг ҳис-туйғулари уз мазмуни ва кечишига кўра ҳайвоннидан тубдан фарқ килади. Масалан, жирканиш, фахрланиш, хасад килиш, шоду-хуррамлик, зерикиш, хурмат килиш, бурчни хис этиш кабилар фақат инсонга хос бўлади.

Интеллектуал ақлий ҳис-туйғуларга билишга қизиқиш, ажабланиш, шубҳаланиш, таажжубланиш, ишонч каби ҳислар киради. Буларнинг барчаси ижобий ҳарактерга эга бўлиб кишини билишга, ўрганишга, иштиёқ билан ишлашга ундейди.

Маънавий ҳис-туйғуларга дўстлик-ўртоклик, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, ҳамдардлик, содиклик, уялиш, меҳнатни севиш каби ҳис-туйғулар киради. Бизнинг ахлоқий етуклигимиз, тарбияланганлигимиз ана шу ҳислар орқали белгиланади.

Эстетик ҳис-туйғуларга бизнинг гўзал, чиройли, ёқимли нарсалардан завқланишимиз, шодланишимиз, хузур қилишимиз, роҳатланишимиз кабилар киради. Бу ҳисларнинг манбаи гўзал табиат, санъат, адабиёт, чиройли турмуш кабилар бўлиши мумкин.

Интеллектуал, маънавий, эстетик туйғуларни фаолият ва муомала жараёнида бошдан кечирамиз. Социал воқеликка нисбатан бутун хиссий муносабатлар бойлигини ифодалагани учун уларни юксак ҳис-туйғулар деб ҳам айтамиз.

Ҳиссиёт ёки туйғу - эмоция шахс руҳий ҳаётининг шундай томоники, бунда ташқи таъсиротнинг ҳарактери ва шахснинг унга бўлган муносабатлари ифодаланади. Баъзи предметлар, воқеалар, ҳаракатлар шахсни қувонтиради, хузур бағишлийди, хурсанд қилади. Баъзи предметлар эса шахсни хафа қилади, қаҳр-ғазабини қўзгайди, бехузур қилади. Ташқи таъсиротнинг ҳарактерига (ижобий ёки салбийлигига) қараб шахс унга нисбатан ўзининг муносабатини билдиради. Ташқи таъсиротнинг ёқимли томонлари шахсада ижобий муносабатларни вужудга келтиради. Маза килиш, қойил қилиш, хузур-ҳаловат, севинч, қувонч, хурсандчилик каби ҳолатлар ижобий муносабатнинг

кўринишларидир. Ташқи таъсиротнинг нохуш, ёқимсиз томонлари шахсда салбий муносабатларни пайдо қиласи ғазабланиш, ранжиш, хафалик, қўрқиши, бехузур бўлиш кабилар салбий муносабатнинг кўринишидир. Шахс ўзининг кундалик фаолиятида турли-туман ҳиссий холатларни бошдан кечиради. Агар у хавф остида бўлса, қўрқувни ҳис қиласи, муваффақиятга эришса, завқланади, интилиш ва харакатлари тўғри, унумли рўёбга чиқса, қувонади, руҳи кўтарилади. Демак, шахсда турли ҳис-туйғуларнинг вужудга келиш манбаи унинг эҳтиёжлари, натижалари ва истакларидир.

Толикиш – организмнинг алохида физиологик ҳолати бўлиб, узоқ вақт ёки зўр бериб ишлаш натижасида пайдо бўлади ва иш қобилиятининг пасайиши билан ифодаланади. Объектив жиҳатидан ёмонлашувида ва миқдорий камайишида юзага чиқади. Субъектив жиҳатидан толикиш одамнинг чарчоқ ҳис қилиши билан ифодаланади. У қатор физиологик (диққат функциясининг ёмонлашуви, мушак чидамининг пасайиши, иш бажариш билан боғлиқ процесслар координациясининг бузилиши) ва биохимиявий (қонда қанд миқдорининг пасайиши, сут кислота даражасининг ошиши ва бошқалар) кўрсаткичлар бўйича аниқланади.

Толикишнинг табиатини тушунтириб берадиган қатор назариялар мавжуд. Бироқ тадқиқотлар бу назариянинг асоссиз эканини кўрсатди, чунки толикиш энергетик ресурслар (гликоген) тугамасдан олдин ҳам юз бериши мумкин. Бошқа назария тарафдорлари (Вейхард ва бошқалар) толикишни организмда “толикиш заҳарлари” ҳосил бўлиши билан тушунтирганлар. Бу назария ҳам нотўғри бўлиб чиқди, чунки интоксикация ҳодисалари толиқмаган мушак экстракти юборилган ҳайвонларда ҳам пайдо бўлган. И.М.Сеченов биринчи марта толикишнинг ҳис қилиш манбаи марказий нерв системасидагина бўлади, деган гояни баён қилди. И.П.Павлов толикишнинг асосий сабаби марказий нерв тизимининг функционал ҳолатининг ўзгаришида – бош мия пўстлоғида деб ҳисоблади. Ишлаш натижасида бош мия пўстлоғида тарқалган тормозланиш процесси вужудга келади, бу пўстлоқ ҳужайраларини ҳолсизланишидан сақлаб туради. Бу назария шунингдек шу қобилиятига одамнинг эмоционал ҳолати таъсирини ҳам тушунтиради (рухлантирадиган сўз, мусиқадан кейин, ишга қизиқиш бўлганда ва шу кабиларда толикишнинг бартараф бўлиши). Толикиш, афтидан, бутун организм функционал ҳолатининг ўзгариши билан изоҳланиб, бунда марказий нерв тизимидағи ўзгаришларнинг роли етакчи ҳисобланади. Ўта толикиш учун бош оғриғи, уйқусизлик, гуноҳкор бўлмаслиги, арзимас нарсаларда аччиқланиш, хотиранинг сусайиши, организм одамнинг пасайиб кетиши хос. Шу муносабат билан бизнинг мамлакатимизда иш куни ва иш ҳафтасини қисқартириб бориш бўйича олиб борилаётган тадбиркорнинг аҳамияти

ниҳоятда катта. Иш даврлари билан улар ўртасидаги танаффусларни навбатлашнинг оқилона системаси ҳам катта аҳамият касб этади. Ҳаракатланиш барвақт толиқиб қолишга сабаб бўлишини унутмаслик керак.

Касбий деформация

Меҳнатга мослашиш (кўёникиш) – бу шахснинг янги меҳнат вазиятини ўзлаштиришининг ижтимоий жараёни бўлиб, унда шахс ва меҳнат муҳити бир-бирига фаол таъсир кўрсатади ва мослашувчи-мослаштирувчи тизимлар ҳисобланади.

Инсон ишга кирар экан, муайян меҳнат ташкилотининг касбий ва ижтимоий-психологик муносабатлари тизимиға фаол киришиб кетади, ўзи учун янги бўлган ижтимоий вазифаларни, қадриятлар ва нормаларни ўзлаштириб олади, ўзининг алоҳида тутган йўлини ташкилот (меҳнат жамоаси)нинг мақсад ва вазифалари билан мослаштиради, бу билан ўзининг хулқини мазкур корхона ёки муассасанинг хизмат йўл-йўриқларига бўйсундиради.

Бироқ инсон ишга киришда аввалдан қарор топган муайян мақсадлар, қадриятли муомала йўналишига эга бўлади, шуларга мувофиқ корхонага бўлган ўз талабларини шакллантиради, корхона эса ўз мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиқиб, ходимга, унинг хулқ-авторига ўз талабларини қўяди. Ходим ўз талабларини амалга ошира бориб, ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатадилар, бир-бирларига мослашадилар, бунинг натижасида меҳнатга мослашув жараёни амалга оширилади. Шундай қилиб, меҳнатга мослашув – шахс ва унинг учун янги бўлган ижтимоий муҳит ўртасидаги икки томонлама жараёндир.

Психология тарихидан маълумки, касбий деформация масаласи ўтган асрнинг 20-30-йилларида бошланган. Бу борада касбий интилиш, меҳнат ишончлилигини таъминлаш, меҳнат қобилиятини ошириш муаммолари, шунингдек, касбий фаолиятдаги нокулай шароит билан боғлиқ вазиятлар тадқиқ этилган илмий изланишларни кўриш мумкин. Аммо шахснинг профессионал деформацияси масалаларига бир мунча кам эътибор қаратилган. Ҳолбуки, 1930 йилларда психотехник С.Г.Галлерштейннинг ёзишича, касбий фаолиятнинг мазмуни ходимларнинг у ёки бу вазифани бажаришлари билан эмас, балки организмни касбнинг маълум жиҳатларига мослашиши билан боғлиқдир. Ишчи ходим организми ва ташқи таъсирлар ўртасида тўхтовсиз ўзаро таъсирлашув содир бўлади. Шу туфайли ходимнинг фақат танасида эмас, балки психикасида ҳам деформация кузатилади. Деформация тушунчаси, одатда, организмга таъсир этувчи ва унда муҳим характер хусусиятини ҳосил қилувчи ўзгариш сифатида талқин қилинади.

Кўпгина тадқиқотчилар “Инсон-инсон”типидағи касбларда касбий деформациянинг пайдо бўлиши ва шаклланишини таъкидлайдилар.

Инсоннинг муайян меҳнат муҳитига мослашуви унинг реал муомаласида, меҳнат фаолиятининг аниқ кўрсаткичларида: меҳнат самарадорлигида, ижтимоий ахборот ва унинг амалда руёбга чиқарилишида, фаолликда намоён бўлади. Меҳнатга мослашиш бирламчи бўлиши (ходимнинг меҳнат муҳитига киришида) ва иккиласми (касбни алмаштирган ва алмаштирган ҳолда иш ўрнини алмаштиришида ёки муҳитнинг жиддий равишда ўзгаришида) бўлиши мумкин. Улар мураккаб тузилишга эга бўлиб, касбий, ижтимоий-психологик, ижтимоий-ташкилий, маданий-маиший ва психофизик мослашувдан иборатdir.

Касбий мослашув шахснинг касбий қўникмалар ва малакаларни муайян даражада эгаллашида, унда айрим касбий жиҳатдан зарур хислатларнинг шаклланишида, ходимнинг ўз касбига нисбатан барқарор ижобий муносабатда бўлишининг ривожланишида ифодаланади. Касб соҳасидаги иш билан танишувида, касб маҳорати қўникмаларини, маҳоратини эгаллашда, функционал вазифаларни сифатли бажаришида ва меҳнат соҳасидаги ижодкорликда намоён бўлади.

Ижтимоий-психологик мослашув меҳнат ташкилоти (жамоаси) нинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўзлаштиришда, унда қарор топган ўзаро муносабатлар тизимиға киришда, унинг аъзолари билан ўзаро ижобий ҳамжиҳат бўлишда ўз ифодасини топади.

Ижтимоий-ташкилий мослашув корхона (жамоа)нинг ташкилий тузилиши, бошқарув тизими ва ишлаб чиқариш жараёнига, хизмат кўрсатиш тизимини, меҳнат ва дам олиш режимини ўзлаштиришни билдиради.


Маданий-маиший мослашув – бу меҳнат ташкилотидаги турмуш хусусиятлари ва бўш вақтни ўтказиш анъаналарини ўзлаштиришdir. Бу мослашув хусусияти ишлаб чиқариш маданияти даражаси, ташкилот аъзоларининг умумий ривожланиши, ишдан бўш вақтдан фойдаланиш хусусиятлари билан белгиланади.

Психофизиологик мослашув – бу ходимлар учун меҳнат вақтида зарур бўладиган шарт-шароитларни ўзлаштириш жараёнидир. Замонавий ишлаб чиқаришда фақат техника ва технология эмас, балки ишлаб чиқариш шароитидаги санитария-гигиена нормалари ҳам маъвий жиҳатдан эскириб боради. Меҳнатнинг санитария-гигиена шароитларини, ходимлар турмушини яхшилаш, тобора кўпроқ миқдорда кулай ва замонавий уй-жойлар, кийим-бошлар, пардоз-андоз ашёларининг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир қилмасдан қолмайди. Ҳозирги замон ходими субъектив равишида қабул қилинадиган санитария-гигиена шинамлигидан, меҳнат маромидан, иш ўрнидаги кулайликлар ва ҳоказолардан озгина бўлса ҳам четга чиқилишига жуда сезгирилик билан қарайди. Кўпгина тадқиқотларнинг кўрсатишича,

ишлилар учун санитария-гигиена шинамлиги шарт-шароитлари кескин бўлиб турди ва улар буни оғриниб қабул қиласидилар.

Психолог касбида бошқа касб эгаларига нисбатан деформация эртароқ намоён бўлади. Психолог касбий деформациясининг кўринишларидан бири – ўз хулқ-автори устидан қаттиқ назоратнинг шаклланишидир. Психологик маслаҳат, гурухий машғулотлар, психотерапевтик сеанслар тренинглар, экспериментлар чоғида ўз хулқ-авторини – сўзини, жест ва тана ҳолатларини назорат қилиши лозим. Аммо бу кўникма ноформал ва одатий муносабатларда ҳам автоматик равишда намоён бўлади. Психолог доимо суҳбатдошининг тана ҳаракатларига, кўз қарашларига, хатто нафас олишнинг чуқурлиги ва частотасидаги ўзгаришларга ҳам эътиборли бўлади. Касбий “инстинкт”га мувофиқ бунга эҳтиёж сезилмасада, доимо қаршисидаги инсоннинг ҳолатини баҳолаб, психологик диагноз қўяди. Бу ҳолат баъзан бир қанча муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Э.Ф.Зеерва Э.Е.Соманюкларнинг тадқиқотларига кўра касбий деформация 4 кўринишда амалга ошади:



1. Умумкасбий деформация –“Инсон-инсон”типидағи касбларга хосдир. Ушбу шахс хусусияти ва касбий фаолият билан боғлиқ ҳолатиш стажига ҳам алоқадор бўлишига қарамай деформациянинг даражаси турлича кечади. Масалан, шифокорларда bemor шикоятларига нисбатан эмоционал индефферентликни акс эттирувчи “қайгуришдан чарчаш” синдроми намоён бўлади. Умумкасбий деформация хусусиятларининг жамланган ҳолда намоён бўлиши маълум касб эгаларининг бир-бирига ўхшашига ва танишнинг осонлашувига олиб келади.
2. Махсус касбий деформация – касбнинг маълум мутахассисликларига мослашиш жараёнида содир бўлади. Ҳар қандай касб бир қанча мутахассисликларни ўз ичига олади. Ҳар бир мутахассислик ўзининг

деформациялари йиғиндисига эга. Масалан, терговчида шубҳаланувчанлик, оператив ишчида фаол агрессивлик ва ҳ. Турли мутахассисликларга эга шифокорларда ҳам ўзига хос деформация ҳосил бўлади.

3. Касбий типологик деформация – шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари (темперамент, характер, қобилият) ҳамда фаолиятларининг психологик тузилиши ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Бунинг оқибатида қўйидаги хусусиятлар намоён бўлиши мумкин:

- шахснинг касбий йўналганлик деформацияси: фаолият мотивациясининг ўзгариши (мотивнинг мақсадга йўналтирилганлиги), қадриятлар тизимининг қайта тузилиши, пессемизм, янгиликларга ишончсиз муносабат.
- маълум бир қобилият асосида шаклланган деформация (ташкилотчилик, коммуникативлик, интеллектуаллик ва б.). Масалан, талабгорлик даражасининг ошиши, ўзига-ўзи юқори баҳо бериш, нарцисизм.
- характер хусусиятларига асосланган деформация: индефферентлик, лавозимга интилиш, ролли экспансия, доминантлик. Деформациянинг ушбу грухни турли касб эгаларида шаклланади ва маълум бир касбий йўналишга эга эмас.

4. Индивидуаллашган деформация – узоқ йиллар давомида олиб борилган касбий фаолият натижасида маълум бир касбий муҳим, баъзан номуҳим хусусиятлар ҳам шаклланиши мумкин. Бу ҳолатлар ҳаддан зиёд масъулиятилик, ўта виждонлилик, гиперактивлик, касбий фанатизм ва энтузиазм кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Касбий фаолиятда ҳиссий толиқишини олдини олишнинг психопрофилактик асослари.

Касбий психопрофилактика икки грухга бўлинади:

А) шахснинг касбий шаклланиши психопрофилактикаси – бунда ёш педагогларнинг касбий шаклланиши, касбий камолоти ва педагогик маҳоратни эгаллаши учун олиб бориладиган чора-тадбирлар назарда тутилади.

Б) педагогик фаолиятдаги деструктив ўзгаришлар натижасидаги тезкор ёрдам – бу ҳолатда эмоционал қуйиниш синдроми, педагогик фаолиятдаги стресслар, ва хиссий толиқиши синдромларини олдини олиш мақсадида чуқурлаштирилган психопрофилактик тадбирлар олиб борилади.

Педагогик фаолиятдаги хиссий толиқиши синдроми қўйидаги сабабалар билан боғлиқ бўлади:

- 1.Информациянинг ҳаддан зиёд кўплиги.
- 2.Вақтни тўғри тақсимаслик.
- 3.Методик таъминотнинг нотўлиқлиги.

4. Қарор қабул қилишнинг вақтга боғлиқлиги.

5. Педагогик жамоадаги маъсулиятнинг нотўғри тақсимланганлиги.

6. Педагогик жамоадаги нотурғунлик ва бошқалар.

Педагог жамоасидаги хиссий толиқишининг психопрофилактикаси айнан мана шу симптомларга нисбатан толерант муносабатни шакллантириш орқали амалга оширилади. Бунинг учун касбий психопрофилактика қўйидаги вазифаларни бажаради:

1. Маълумотли – асосий мақсад касбий янгиликлар ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш.
2. Ташкилий – турли таълим муассасаларидағи ишни тўғри тақсимланиши.
3. Адаптив профпрофилактика – шахснинг касбий мослашуви, яъни педагогик жамоага мослашувини ўз ичига қамраб олади.
4. Педагоглардаги дипрессияни олдини олишга қаратилган профилактик ишлар
5. Педагогик жамоадаги ҳамкорлик бузилгандан, низолар юзага келгандан олиб бориладиган коррекцион профилактика.
6. Касбий реабилитация.
7. Шахсдаги касбий йўналганликни оширишга қаратилган манипулятив профилактика.

Педагогик жамоада айнан хиссий толиқишларни, эмоционал куйинишни бартараф этиш учун комплекс чора-тадбирлар режаси ташкил қилинади.

Назорат саволлари:

1. Хиссий толикиш синдроми нима?
2. Касбий деформация нима?
3. Касбий деформация турларини сананг.
4. Эмоционал соҳани барқарорлаштириш учун нималарга эътибор қартиш лозим?
5. Касбий психопрофилактика нима?
6. Касбий реабилитацияни қандай амалга оширишда нималарга эътибор қартиш лозим?
7. Педагог-ўқувчи ҳамкорлиги касбий реабилитацияда қандай аҳамиятга эга?

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Нишонова З.Т., Алимова Г.К. Болалар психологияси ва психодиагностикаси Т.: ТДПУ 2017 – 264 б.

2. Фозиев Э. Онтогенез психологияси Назарий- экспериментал таҳлил Т.: Ношир 2010. – 356 б.
3. Дўстмуҳамедова Ш.А., Нишонова З.Т. ва бошқалар Ёш даврлари ва педагогик психология Т.: Фан ва технологиялар 2013 – 343 б.
4. Шаповаленко И.В. Возрастная психология (Психология развития и возрастная психология): учебник для студентов вузов. – М.: Гардарики, 2007. – 349 с.
5. Фозиев Э. Г. Педагогик психология. –Тошкент: Университет, 2014.-208 бет.
6. Бодров В. А. Информационный стресс. М, ПЭР СЭ, 2000.
7. Бреслав Г. М. Психология эмоций. М., 2004.
8. Вилюнас В.К. Психология эмоций, М.,2005.
9. Водопьянова Н.Е., Старченкова Е.С. Синдром выгорания: диагностика и профилактика. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2008.
10. Выготский Л. С.Собр.соч., 2-том М.,1982.
11. Ильин Е.П. Эмоции и чувства. М., 2008.
12. <http://cyboerleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opty-organiatsii-podgotovki-perepodgotovki-i-povysheniya-kvalifikatsii-kadrov>. 09.10.2015г.
13. <http://psychol.ras.ru>
14. <http://textshare.tsx.org>
15. <http://textshare.tsx.org>
16. <http://window.edu.ru>
17. <http://www.mgimo.ru/filesserver/>



АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ



1 – амалий машғулот

Мавзу: Педагог фаолиятига креатив ёндашув.

Ўқитувчининг ижодкорлик сифатлари. Инновацион жараён: педагог ва унинг фаолияти. Педагогнинг компетенциявий пирамидаси. Ўқитувчи педагогик фаолиятида касбий рефлексиянинг ўрни.

Ишдан мақсад:

Ушбу амалий иш давомида қўйидагиларни **бажариш лозим**:

- 1.Ўқитувчининг ижодкорлик сифатларини амалиётда қўллаш.
- 2.Инновацион жараёнида педагог ва унинг фаолияти тўғрисида билимларига эга бўлиш.
- 3.Педагогнинг компетенция таркибига кирувчи турларини очиб бериш.
- 4.Ўқитувчи педагогик фаолиятида касбий рефлексиянинг ўрнини таҳлил қилиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи юқорида келтирилган топшириқларни бажариши ва натижа олиши лозим.

Амалий машғулотга доир назарий материал

Ўқитувчининг ижодкорлик сифатлари

Креативлик (лот., инг. *reatate* – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти. Педагогик креативлик (ижодкорлик) – педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти.

“Педагогик ижодкорлик” қўйидаги икки ҳолатни кафолатлай олиши зарур:

1) ўқитувчилар томонидан ўқув фанларини паст ўзлаштираётган ва уларини ўрганишни зерикарли деб ҳисоблаётган талабалар эътиборларини фан асосларини ўзлаштиришга жалб этиш;

2) ўқитувчиларга ўқувчиларда креатив фикрлаш ва ижодий фаолият натижаларини рағбатлантиришга хизмат қиласиган стратегия ва воситаларни тавсия этиш қилиш орқали аудиторияда улардан самарали фойдаланишлари учун имконият яратиш.

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлмаслиги туфайли ўқувчилар ҳам қизиқарли ва ажойиб ғояларга эга бўлсалар-да, бироқ, уларни ифодалашда сусткашликка йўл қўяди. Бунинг сабабли таълим жараёнида

қўлланилаётган методлар талабаларда эркин, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласлиги билан белгиланади.

Касбий фаолиятда педагогнинг креативлиги турли шаклларда намоён бўлади. Улар қўйидагилардир:

- 1.Меъёрий ҳужжатлар (ўқув фанлари бўйича ДТС, ўқув дастури ва режалари)ни тайёрлаш;
- 2.Ўқув манбалари (дарслик, ўқув-методик ва методик қўлланма, тавсиянома, луғат, энциклопедия, атлас, иш дафтари ва б.)ни яратиш ;
- 3.Таълим жараёни ва маънавий-маърифий ишлар лойиҳаларини тайёрлаш;
- 4.Ўқув ахборотлари, назорат ҳамда синов топширикларини шакллантириш;
- 5.Таълим жараёнини қизиқарли, жонли, жўшқин ташкил этиш;
- 6.Илмий-тадқиқотларни муваффақиятли олиб бориш;
- 7.Илмий ва методик анжуманларда фаол иштирок этиш, чиқишлилар қилиш;
8. Илмий, илмий-методик ва методик ишларни чоп эттириш;
9. Даврий ҳисботларни топшириш, аттестациядан ўтиш;

Педагог томонидан ушбу шаклларда касбий фаолиятнинг самарали ташкил этилиши унинг креативлиги қай даража эканлигига боғлик бўлади.

Креатив педагогиканинг умумий моҳияти унинг концептуал ҳолатларини ифодаловчи бир қатор тушунчалар асосида очиб берилади. Улар қўйидагилардан иборат:

Ижодкорлик – муайян янгиликнинг аҳамияти ва фойдали эканлигини белгиловчи шахс фаолияти ва унинг натижаси;

Ижодкор шахс – ижодий жараённи муваффақиятли амалга ошира оладиган ҳамда аниқ ижодий натижа (маҳсулот)ларга эга шахс ;

Креатив шахс – жараён ёки натижа сифатида ижодкорликни намоён этувчи, масалаларни ечишга ностандарт усуслар билан ёндаша олишга мойил, ўзига хос ҳаракатларни ташкил этиш, янгиликларни илгари суришга, ижодий маҳсулотларни яратишга лаёқатли ва тайёр шахс;

Бунёдкор шахс – ҳам жараён, ҳам натижа сифатида объектив ижодкорликни амалга оширадиган ва талаблар даражасида ижодий маҳсулотларини яратадиган шахс;

Креатив шахсни тайёрлаш – ижодкорликка ўргатиш ва ўзини ўзи ижодий намоён этиш жараёнида шахсда барқарор креатив сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш мазмуни;

Ижод – ижтимоий субъектнинг янгилиги, аҳамияти ва фойдалилиги жамият ёки муайян гурух томонидан тан олинган фаолияти ёки фаолияти

натижаси

Ўқувчиларни креатив фикрлашга ўргатиш, уларда креатив тафаккурни шакллантира олиш учун аввало педагогнинг ўзи креатив, ижодкор шахс бўлиши зарур. Борди-ю, унинг ўзи креативлик сифатларига эга бўлмаса, у ҳолда қандай қилиб, ўқувчиларни креатив фикрлашга рағбатлантира олади. Чиқариладиган ягона хулоса қуйидагича: педагогнинг ўзи креатив, ижодкор бўлсагина, ўқувчилар ҳам шундай бўла олади.

Ўқитувчининг ижодкор ва креатив бўлиши ёки бўлмаслиги эмас, балки дарсларни ижодкорлик, креативлик руҳида ташкил этиши, янги ғояларни таълим жараёнида синаб қўришга интилиши зарур.

Амалий топшириқ:

1. Сизнинг амалий тажрибаларингиздан ўқитувчилар томонидан ўкув фанларини паст ўзлаштираётган ва уларини ўрганишни зерикарли деб ҳисоблаётган ўқувчилар эътиборларини фан асосларини ўзлаштиришга жалб этиш усулларини қўрсатиб беринг.
2. Сизнинг амалий тажрибаларингиздан ўқитувчиларга ўқувчиларда креатив фикрлаш ва ижодий фаолият натижаларини рағбатлантиришга хизмат қиласиган стратегия ва воситаларни тавсия этиш қилиш орқали аудиторияда улардан самарали фойдаланишлари учун имконият яратиш йўлларни очиб беринг.

Инновацион жараён: педагог ва унинг фаолияти.

Ҳозирги тараққиётимизнинг талаблари асосида таълим стандартлари такомиллаштирилиб, дастурлар модернизация қилиниб, таълим муассасаларига етказилиб берилмоқда. Таълим муассасаларининг моддий базалари жадаллик билан мустаҳкамланмоқда. Янги турдаги касб-хунар коллежлари, университетлар ва институтлар қошида академик лицейлар, мактабларни қуриш, реконструкция қилиш, жорий ва капитал таъмирлаш, янги замонавий асбоб-ускуналари, ўкув қуроллари, техника воситалари ва компьютерлаштириш ишлари аниқ давлат режалари асосида амалга оширилмоқда. Талабалар, ўқувчилар, ўқитувчи ва профессор-ўқитувчиларни социал ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий ҳимоялаш ишлари давлат даражасида ижобий ҳал этиб борилмоқда. Қисқача қилиб айтганда, халқ таълими ходимлари, профессор-ўқитувчиларга замонавий талаблар асосида жиҳозланган синфлар, аудиториялар, лаборатория, ахборот-ресурс кутубхоналари шакллантирилиб, ижодий ишлаш учун барча шарт- шароит яратилиб берилмоқда.

Инновация (инглизча Innovation - янгилик киритиш) – тизим ички тузилишини ўзгаририш, амалиёт ва назариянинг муҳим қисми. Инновацион жараённинг мазманий томонини ўз ичига олади (илмий ғоялар ва уларнинг технологияларини амалиётга киритиш).

Педагогик янгилик – педагогик фаолиятда илгари таълим жараёнида номаълум бўлган ўзгаришларни киритиш орқали таълим ва тарбиянинг назария ва амалиётини бойитиш ва уни ривожлантирувчи воситасидир.

Инноватика-янгиликни яратилиш қонуниятларини ўзлаштиришни ва тарғиб-тарғиботини ўрганадиган фан.

Инновацион жараён-янгиликнинг киритилиши ва шарт-шароитлари, тизимни янги кўрсатгичларга муваффақиятли ўтишини таъминловчи ўзгаришдир. Инновацион ўзгаришларга тайёргарлик қўриш ва уни амалиётга киритиш жараёнидир.

Инновацион педагогик ғоя – тизимлаштирилган педагогик ғоялар; ўкув жараёни башорат этилиши, маълумотлар тўплами.

Инновацион таълим - 1) таълим соҳасига киритилган ва киритилаётган янгиликлар; 2) янгиланган янги технологиялар асосида ташкил этилган таълим жараёни.


Инновацион таълим муассасаси – янги типдаги таълим муассасалари: академик лицейлар, мактабгача таълим комплекси, шахсий мактабгача таълим муассасалари, ихтисослашган синф ва мактаблар, гимназия, турли йўналишли, предметлари чуқур ўргатиладиган мактаблар ва ҳ.к.

Инновацион технология – педагогик тараққиётни таъминлашга қаратилган ташкилий фаоллик жараёни (фаоллик, дидактик ўйинлар, эвристик, креатив, муаммоли, лойиҳаштирилган, АҚТ технологиялари).

Инновацион ўқитиши – 1) янгича ўқитиши тизими, 2) ўкувчи ва талабаларни янги киритилган технологиялар асосида ўқитиши жараёни (алгоритмлаш, лойиҳали, модулли ва б.).

Таълим инновациялари – таълим соҳаси ёки ўкув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади.



Инновациялар турли кўринишга эга. Қуйидагилар инновацияларнинг асосий **кўринишлари** саналади

- янги ғоялар;
- тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар;
- ноанъянавий ёндашувлар;
- одатий бўлмаган ташаббуслар;
- илғор иш услублари

Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш мақсади кўзланади. Инновацияларнинг ҳар қандай янгиликдан фарқи шундаки, у бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур.

Барча соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам “новация”, “инновация” ҳамда уларнинг моҳиятини ифодаловчи фаолият тўғрисида сўз юритилади.

Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, факатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса у **новация (янгиланиш)** деб юритилади

Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у **инновация (янгилик киритиш)** деб аталади.

Илмий адабиётларда “новация” (янгиланиш, янгилик) ҳамда “инновация” (янгилик киритиш) тушунчаларининг бир-биридан фарқланишига алоҳида эътибор қаратилади. Дарҳақиқат, янгилик - восита саналиб, у аксарият ҳолатларда янги метод, методика, технология ва бошқа. кўринишида намоён бўлади.

Моҳиятига кўра новация ва инновация ўртасида муайян фарқлар мавжуд. Улар қуидагилардир

Новация ва инновациялар ўртасидаги асосий фарқлар

| Асосий фарқлар | |
|---|---|
| Новация | Инновация |
| 1)амалдаги назария доирасида қўлланилади; 2)кўлам ва вақт бўйича чегараланади; 3)методлар янгиланади; 4)натижа аввалги тизимни такомиллаштиради; | 1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; 3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади; 4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади |

Амалий топшириқлар

- “Педагогик янгилик – педагогик фаолиятда илгари таълим жараёнида номаълум бўлган ўзгаришларни киритиш орқали таълим ва тарбиянинг назария ва амалиётини бойитиш ва уни ривожлантирувчи воситасидир” деб педагогик адабиётларда ифодаланган. Хозирги кунларда таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида қандай ўзгаришлар ва ислоҳотларни кўзатиб борасиз?
- Қуидаги жадали тулдиринг.

Новация ва инновациялар ўртасидаги асосий фарқлар

| Асосий фарқлар | |
|-----------------------|------------------|
| Новация | Инновация |
| | |

3. Педагогнинг компетенциявий пирамидаси.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогларнинг компетентлигини ривожлантириш жараёнларида кўпроқ шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг мустақил таълим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг бошланғич тушунчаларни ўрганиш асосида тушунчаларнинг илмийлиги, янгилиги ва ишончлилигини таҳлил қилиш, энг янги ва ишончли ахборотлар билан таъминлаш, педагогларнинг компетентлигини ривожлантириш жараёнларида ахборотлар алмашинувига алоҳида эътибор қаратиш ўзига хос аҳамият касб этади.

Таълим муассасаларида педагогларнинг компетентлигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш зарур:

- ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни ўқитувчилар фаоллиги ва мустақил таълим олиш фаолиятига боғлиқлигига;
- таълим муассасасида ўқитувчи шахсининг ривожланишига турли даражада таъсир кўрсатувчи тарбиявий муносабатларнинг аҳамиятлигига;
- ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари компонетларининг ўзаро боғлиқлигига ва алоқадорлигига;
- ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларида қайта алоқанинг ўзига хос аҳамияти ва зарурияти;
- ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларининг процессуал томонига, яъни тўғри ва тескари жараёнларнинг мавжудлигига;
- ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларида уларда таълим олишга бўлган қизиқиши, яъни ўқув мотивларини шакллантиршнинг заруриятига;
- ўқитувчиларда ижобий ўқув мотивларини шакллантиришнинг самарадорлиги ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларининг натижавийлигини ифодалашига;
- ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари самарадорлигининг мотивлаштиришга боғлиқлигига;
- ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларида ахборотларнинг янгилиги ва ишончлилигига.

Педагогларнинг компетентлигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишда алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган омиллардан бири ўқитувчилар фаоллигини таъминлаш ва мустақил фаолиятини ташкил қилиш бўлиб, мазкур жараёнлар самарадорлиги нафақат уларнинг малакасини оширишни ташкил этишга, балки мустақил таълимни йўлга кўйиш, ўқитувчиларда ўзини-ўзи тарбиялаш кўникмаларини шакллантириш,

шунингдек, рефлексив таълимий муҳитни ҳамда ўзаро таъсир жараёнини ташкил этишга боғлиқ бўлади.

Педагогларнинг компетентлигини ривожлантириш жараёнларини уларнинг мустақил олган тушунчалари асосида ташкил этиш ва мазкур жараёнда уларни ижодий фикрлашга ундаш асосида фаоллигини таъминлаш, шунингдек, уларда рефлексив қобилиятларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари самарадорлигини таъминлашда ўқитувчиларнинг ўз устида мустақил ишлиши ва мустақил ўрганиши учун мажбурий таълимий муҳитни шакллантириш, уларнинг тушунчалари даражасини ҳамда ўзини-ўзи ривожлантиришга мойиллигини ўрганиш, таҳлил қилиш асосида мустақил таълим олишга уларда қизиқишлиарни шакллантириш ўзига хос аҳамият касб этади.

Педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари компонентларидан бири ҳисобланган тарбиявий муносабатлар жараёнига эътибор қаратадиган бўлсак, "инсон-инсон" муносабатлари шаклида биринчи навбатда таълим муассасаси раҳбарларининг ўқитувчилар билан "раҳбар-ўқитувчи", ўқитувчиларнинг ўз ўқувчилари билан "ўқитувчи-ўқувчи", ўқитувчиларнинг ўз касбдошлари билан "ўқитувчи-ўқитувчи" муносабатларини, яъни мазкур жараёнда ўзаро бевосита таъсир мавжудлигини кўрамиз.

Педагогларнинг ўз касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича хатти-харакати йўналишини (айнан шундай харакат қилиши зарурлигини), маълум бир вазифани (бошқа вазифани эмас, айнан шу вазифани) белгилаш заруриятини, шунингдек, белгиланган вазифани амалга ошириш воситаси ва йўлларини (айнан шу восита ва йўлни) белгиловчи сабабни мақсад деб айтиш мумкин, шу мақсадга кўра ҳар бир педагогнинг ўз касбий компетенциявий пирамидаси бўлиши лозим. Педагогнинг компетенциявий пирамидасини қўйидагича таърифлаймиз.

Педагогнинг компетенция пирамидаси



Хулқ-атвор-ахлоқшунослик тушунчаларидан бири. Инсоннинг феъл-атвори билан боғлиқ ахлоқий ҳодиса булиб, киши феълининг ахлоқийлик доирасида намоён бўлиши тушунилади.

Билим – бу ўқувчилар ўқиши орқали билим билан қуролланадилар. Билимни ҳаётда қўп унум берадиган қилиб қўллай олиш учун билим билан бирга кўникма ва малака ҳосил қилиш лозим.

Малака-Иқтидор ва кўникма машқ қилиш ва такрорлаш орқали малакага айланади.

Муносабат-кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқат, маданият бу муносабат

Мотив-1) инсонни ўқишига ёки муайян ҳаракатларни бажаришга ундовчи турл сабаблар йифиндиси; 2) ўқувчиниг маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга мойиллиги. Мотивлаштириш-бу маълум эҳтиёжлардан келиб чиқиб кишилар фаолиятини психологик таъсир этиш йўллари билан мақсадга мувофиқ йўналтиришдир.

Амалий топшириқ

1. Педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари самарадорлигини таъминлашда ўқитувчиларнинг ўз устида мустақил ишлаши ва мустақил ўрганишининг ўрни биқёсdir. Педагогларнинг ўз устида мустақил иглаши ва мустақил ўрганиш усулларини ва турларини санаб беринг ва изоҳланг.
2. Педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларида “қайта алоқа” деганда нимани тушунасиз?

Ўқитувчи педагогик фаолиятида касбий рефлексиянинг ўрни

Рефлексия-мулоқот жараёнида сухбатдошнинг тасаввурини англашга ҳаракат қилиш, яъни унинг ўрнида туриб ўзига баҳо беришга ҳаракат қилиш, яъни бу иккинчи шахснинг идрокига таалуқли бўлиб ўзига бировнинг кўзи билан ҳаракат қилиш.

Педагогик рефлексия – педагогнинг шахс онги моҳияти, вазифалари, қадриятлари, қизиқишилари, рағбатлантирувчи омиллар, фикрлаш, идрок, қарорлар қабул қилиш, ҳиссий таъсирланиш, хатти-ҳаракатлари ва бошқаларнинг моҳиятини англаш этиши.

**SCAMPER стратегиясини қўллаш асосида креатив фикрлаш
кўниумасини ривожлантириш**

| SCAMPER мнемоник схемасидан мослашувчан фикрлаш кўниумасини шакллантиришда фойдаланиш | | |
|--|--|--|
| SCAMPER | Саволлар | Вазифалар |
| <i>Substitute</i> (алмаштирумок/ўзгартирумок) | Педагогнинг ижодкорлик сифатларини сананг? | <i>Вариантлар</i> <i>рўйхатини тузинг ва</i> <i>ундан бирини танлаб олиб,расмини чизинг.</i> |
| <i>Combine</i> (бирлаштирумок) | Педагогнинг ижодкорлик сифатлари билан педагогнинг компетенция пирамидасини бирлаштирганда.... | <i>Вариантлар</i> <i>рўйхатини тузинг ва</i> <i>ундан бирини танлаб олиб,расмини чизинг.</i> |
| <i>Adapt</i> (мослаштирумок) | Педагогнинг компетенция пирамидасини педагогик фаолиятга мослаштириш | <i>Вариантлар</i> <i>рўйхатини тузинг ва</i> <i>ундан бирини танлаб олиб,уни таърифланг.</i> |
| <i>Maximize/minimize</i> (максималлаштирумок/ минималлаштирумок) | Педагогик креативликни ривожлантириш | <i>Вариантлар</i> <i>рўйхатини тузинг ва</i> <i>ундан бирини танлаб олиб,уни таърифланг.</i> |
| <i>Put to other uses</i> (бошқа соҳа/усулда қўллаш) | Инновацияларни педагогик фаолиятга қўллаш | <i>Вариантлар</i> <i>рўйхатини тузинг</i> |
| <i>Eliminate</i> (олдини олмоқ) | Педагогик рефексияни сўндириласлик учун қўйиладган талаблар | <i>Вариантлар</i> <i>рўйхатини тузинг</i> |
| <i>Rearrange</i> (қўлланилишини ўзгартириши) | Педагоглар томонидан ўқувчилара мотивацияни шакллантириш | <i>Вариантлар</i> <i>рўйхатини тузинг</i> |

Назорат саволлар

1. Педагогик креативликка қандай сифатлар хос?
2. Педагогларда қандай ижодий-педагогик фаолият малакалари мавжуд бўлиши зарур?

3. Шахсда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг қандай йўллари мавжуд?
4. Педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар нималарда акс этади?
5. Педагогнинг компетенциявий пирамидасини келтиринг?
6. Инновация ва новациянинг фарқи келтиринг?
7. Рефлексия таърифини келтиринг?
8. Педагогик рефлексия деганда нимани тушунасиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси //Uzluksiz ta’lim ж. – Т.: 2006. 6-сон
2. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.
3. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008.
4. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.

2-амалий машғулот

Педагогик қобилияларни ривожлантиришнинг психотехнологик шакллари

1. Дидактик, академик, перцептив, нутқ қобилияти, ташкилотчилик, рефлексия ва эмпатия қобилияларни ривожлантириш.
2. Таълим самарадорлигини ошириш учун педагогик ижтимоий персепсияни ривожлантириш механизмлари.
3. Таълим жараёнида низоли вазиятларни олдини олиш

Дидактик, академик, перцептив, нутқ қобилияти, ташкилотчилик, рефлексия ва эмпатия қобилияларни ривожлантириш

1- Топшириқ: Педагогик қобилият – бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниqlаб беради.

Педагогик қобилиялар таснифи.

- Дидақтикалық қобилиялар.
- Академикалық қобилиялар
- Перцептив қобилиялар
- Нүткөн қобилияты
- Ташкилотчилік қобилияты
- Авторитар қобилияты.
- Коммуникатив қобилияты.
- Педагогикалық қызмет.
- Дидактикалық тәсжимдегі олиш қобилияты.


1. Юқорида келтирілған педагогик қобилият турлариниздеңдер. Сизнингча, мазкур қобилиятни ривожланиши учун шахсда қайси хусусияттарни ривожлантириш керак?
2. Қуйида берилған вазифалар педагоглардаги қайси қобилиятни ривожланишига хизмат қилади:
 - Кичик груптарда ишлаш учун топшириқтар мажмuinи яратиш;
 - Психология ва фалсафа доирасидаги Шахс мавзусига оид қарашларни тизимли таҳлил қилиш.
 - Касбга йўналтириш ва касб танлаш асослари фанидан ўкув машғулотларини лойиҳалаш.
 - Конституция куни муносабати билан байрам тадбирини ташкил этиш.

2-топшириқ: Педагогик қобилияларнинг турли хил намуналари уларнинг қандай нисбатан умумий груптарига оид эканини кўрсатинг. Бунда қуйидаги жадвалнинг алоҳида қобилият намуналари келтириб ўтилған сатрлари билан қобилияларнинг умумий груптари кўрсатилған устунлари ўзаро кесишган жойга ҳар қайси қобилият қобилияларнинг қандай груптига мансублигини билдириш маъносида бирор белги қўйиш талаб қилинади.

| № | Педагогик қобилиятларнинг алоҳида намуналари | Педагогик қобилиятларнинг гурӯхлари | | |
|----|--|-------------------------------------|----------------------|-----------------------------------|
| | | Шахс билан боғлиқ қобилиятлар | Дидактик қобилиятлар | Ташкилий-коммуникатив қобилиятлар |
| 1 | Болаларга нисбатан муҳаббат | | | |
| 2 | Тушунтира олиш қобилияти | | | |
| 3 | Ташкилотчилик қобилияти | | | |
| 4 | Сабр-тоқат, чидам, матонат | | | |
| 5 | Мулоқотчанлик қобилияти | | | |
| 6 | Педагогик хаёл | | | |
| 7 | Академик қобилият | | | |
| 8 | Педагогик кузатувчанлик | | | |
| 9 | Ўзини-ўзи бошқара олиш | | | |
| 10 | Педагогик такт | | | |
| 11 | СугГЭСтив қобилият | | | |
| 12 | Нутқий қобилият | | | |
| 13 | Дикқатнинг тақсимланиши | | | |

Таълим самарадорлигини ошириш учун педагогик ижтимоий перцепцияни ривожлантириш механизмлари.

1-топшириқ: А.А.Реан педагоглардаги ижтимоий перцепциянинг механизмини кўрсатиб берган. Сиз мазкур схемани изоҳлаб беринг.



Ҳар бир компонентни шакллантиришда нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

Таълим жараёнида низоли вазиятларни олдини олиш

1-төпширик: Педагогик муроқот маҳсус жиҳатининг намоён бўлиши педагог томонидан рағбатлантириш ва жазолаш усулининг қўлланилишидир. Агар рағбатлантириш ёки жазолаш хизматга яраша одилона бўлса, улар ўқувчиларнинг ютуқларини мустаҳкамлайдилар, қўллайдилар. Рағбатлантириш ва жазолаш усулларининг мутаҳкамлаш роли педагогик адолатга боғлиқ бўлади. Педагогик нуқтаи назардан олган ҳолда самарали ва самара бўлмаган рағбатлантириш тавсифини келтирамиз.

| Самарали рағбатлантириш | | Самарали бағбатлантириш | |
|-------------------------|--|----------------------------|---|
| 1. | Мунтазам равишда амалга оширилади. | 1. | Вақти-вақти билан амалга оширилади. |
| 2. | Ўқувчининг қандай хатти-харакатлари бағбатлантиришга лойиқлиги ўқитувчи томонидан тушунтириб берилади. | 2. | Умуман амалга оширилади, ҳеч қандай изоҳ берилмайди. |
| 3. | Ўқувчилар ютуқларидан ўқитувчининг шахсан манфаатдор эканлиги билан боғлиқлиги. | 3. | Бағбатлантириш керак бўлганлиги учунгина амалга оширилади, ўқитувчи ўқувчилар ютуқлари билан қизиқмайди. |
| 4. | Ўқувчиларнинг маълум ютуққа эришганликлари кузатилиб борилади. | 4. | Ишда ўқувчиларнинг иштирокларига умумий қаралади. |
| 5. | Ўқувчилар эришган ютуқларининг аҳамияти тўғрисида ахборот бераборилади. | 5. | Ўқувчига унинг натижаларигина айтилади, унинг аҳамияти тўғрисида гапирилмайди. |
| 6. | Ўқувчиларда юқори натижаларга эришиш учун ўз ишларини ташкил этишга ўргатиш. | 6. | Ўқувчиларга ўз натижаларини бошқаларники билан таққослашга йўналтириш, уларни рақобатлашга ундаш. |
| 7. | Ўқувчиларнинг аввалги ва ҳозирги ютуқларини солишириш. | 7. | Бир ўқувчининг ютуқларини бошқа ўқувчи ютуқлари билан солишириш. |
| 8. | Ўқувчининг сарф қилган кучи ютуқларга мос келади. | 8. | Ўқувчининг сарф қилган кучи ютуқларга мос келмайди. |
| 9. | Ўқувчи эришган натижалари билан уни сарфлайдиган кучини солишириш, хоҳиши бўлса, ўқувчи келгусида ҳам ютуқларга эришиши мумкинлигини кўрсатиш. | 9. | Ўқувчи эришган этуқларини унинг қобилияти билан боғлаш ёки бу натижага фақат омад туфайлигина эришганлигини кўрсатиш. |
| 10. | Ўқувчининг мотивациясига таъсир этиш, ички стимулларига суюниш қизиқиши, ўз-ўзини | 10. | Ташқи стимулларга суюниш: мақтov, мусобакада фақат ғалабани мўлжаллаш, мукофат |

| | | | |
|-----|---|-----|--|
| | ривожлантириш мақсади, ўқишидан қониқиши ва бошқалар. | | олиш ва бошқалар. |
| 11. | Ўқувчи эътиборини унинг ютуқларига қаратиб, бу унинг қобилияти ва имконияти туфайли юзага келганини кўрсатиш. | 11. | Ўқувчининг эътиборини унинг ўқишидаги ютуқларига қаратиб, бу ўқитувчининг ёки бошқа бирор инсоннинг сайд – харакати эканлигини таъкид-лаш. |
| 12. | Аввалги вазифалар бажариб бўлинганидан сўнг, ўқувчидаги янги вазифаларни бажаришга қизи-қишифотиши. | 12. | Ўқувчи аввалги вазифаларни бажармасдан туриб, яна янги вазифаларни юклаш, бу ўқувчи эътиборини чалғишига олиб келади. |

Юқорида келтирилган рағбатлантириш усуллари педагог ва ўқувчи орасидаги низоларни олдини олишдаги аҳамиятини таҳлил қилиб беринг.

Назорат саволлари

1. Педагогик қобилият нима?
2. Академик қобилият педагог учун нимага керак?
3. Перцепцияга изоҳ беринг.
4. Дидактик қобилиятларни изоҳлаб беринг.
5. Педагогнинг нутқига қандай талаблар қўйилади?
6. Диққатни тақсимлай олиш деганда нимани тушунасиз?
7. Ташкилотчилик қобилиятига изоҳ беринг.
8. Педагог фаолиятида эмпатия нимага керак?
9. Авторитар қобилият нима?
10. Педагог шахсига қандай талаблар қўйилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нишонова З.Т, Алимова Г.К Болалар психологияси ва психодиагностиаси Т.: ТДПУ 2017 – 264 б.
2. Гозиев Э. Онтогенез психологияси Назарий- экспериментал таҳлил Т.: Ношир 2010. – 356 б.
- 3..Дўстмуҳамедова Ш.А, Нишонова З.Т ва бошқалар Ёш даврлари ва педагогик психология Т.: Фан ва технологиялар 2013 – 343 б.
- 4.Шаповаленко И.В Возрастная психология (Психология развития и возрастная психология): учебник для студентов вузов. – М.: Гардарики, 2007. – 349 с.

КЕЙСЛАР БАНКИ

1-Кейс.

Кейс баёни: Узоқ йиллик иш тажрибасига ҳамда талабалар ўртасида алоҳида хурматга эга тарих фани ўқитувчи аудиторияга кириб, доскада ўзининг карикатура жанрида ишланган расмини қўради. Карикатура ёрқин ишланган, ҳар бир штрих аниқ ишланган, қолаверса, расм жуда кулгили чиқсан. Бутун гуруҳ ўқитувчининг карикатурага, унинг ижодкорига нисбатан муносабатини кутяпти. Бироқ, ўқитувчи шошилмасдан, катта қизиқиш билан карикатурани томоша қиласди ва шундай деди: “Карикатура шунчалик яхши чиқибдики, уни ҳатто ўчиргим келмаяпти. Расм ижодкори 164 – ёш рассом уни қоғозга қўчириб олиши керак. Мен карикатурист (рассом)ни муносиб баҳолайман!”. Кейс саволлари: 1. Ўқитувчининг мавжуд вазиятдаги ҳолатини шахсан Сиз қандай баҳолайсиз? 2. Бу вазиятда ўқитувчи қандай тарбия методини қўллади?

Кейс ечими. Бу вазиятда ўқитувчи ўзининг таржрибали ва педагогик назокатга эгалигини намоён эта олди. У карикатурани ўзининг устидан кулиш воситаси деб эмас, аксинча, санъат асари сифатида қабул қилди. Натижада ўқитувчи айбордor талабани қидириб, унга танбеҳ беришни истамади. Бунинг ўрнига ўзининг санъатга бўлган муҳаббатини кўрсатди. Бундай ёндашув талабаларга ўқитувчининг иродали, ўзига хурмат билан муносабатда бўлиши, ҳиссиётларини жиловлай олиш, ўз-ўзини бошқара билиш қобилиятига эгалигини кўрсатди. Оқибатда талабалар ўқитувчининг руҳан барқарор эканликларини англали. Шу сабабли кейинги сафар улар ўқитувчини камситиш ёки устидан кулишни исташмайди. Баён этилган вазиятда ўқитувчи 1) изоҳлаш (ўзида муайян гуруҳ ёки алоҳида шахсга йўналтирилганликниifoаловчи ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули); 2) хулқ ва фаолиятни рағбатлантириш методларидан бири бўлган – қўллаб-куватлаш методидан фойдаланди.

2-Кейс.

Мувафаққият яратиш ва ютуқлар ривожланишини таъминлаш вазиятлари

1-вазият . Дилрабонинг уятчанлигини билиб, ўқитувчи огоҳлантироқда:

-Хозир сендан дарсни сўрайман. Тайёргарлик кўргин. Сен ўзинг мустақил улдалай оладиган матн мана.

У қизга матн ёзилган карточкани берди. Дилрабо уни ўқиши керак.

Дилрабонинг довдираш ҳолатини енгиб, фикрини бир нуқтага тўплашга вақти бор. Ўқитувчи кўпчиликка ушбу мавзу бўйича рағбатлантирувчи баҳо қўйиб

бўлган, Дилрабода эса ҳозирча баҳо йўқ. Дилрабо табиатан жуда ҳаяжонланувчилардан.

Саволлар:

1. Билимларни бундай назорат қилишни ташкил этишнинг педагогик қиммати нимада?
2. Педагог қандай кўрсатмалар бермоқда?
3. Ушбу вазиятда таълимни ташкил этишнинг қандай ёндошуви амалга оширилган?

2 вазият. 5 синф ўқувчи Алишер шеър ва ҳикояларни яхши эслаб қола олмайди. Синф тахтаси олдида, одатда, бошланғич 2-3 жумлани айтади ва жим бўлиб қолади ёки умуман бошқа нарсаларни гапиради. Ҳар бир 2 баҳо, адабиёт ўқитувчисининг ҳам, ўқувчининг ҳам юрагида аламли кечар эди. Ўқитувчи болалардан Алишерни ўзига жуда бино қўйганлардан эканлигини билиб олди.

-Мен унинг ўзига бино қўйиш хусусияти билан яқиндан танишмоқчи бўлдим, - деган эди, кейинчалик адабиёт ўқитувчиси Жамила Маматова ўзининг ҳамкасларига .

Кунлардан бир кун, ўқитувчи Алишерни синф тахтаси олдига чақириб, уй вазифасини сўради, кейин, унга бугун аввалгидан анча яшироқ тайёргарлик кўрибсан, агар нутқинг оҳангига хатолар бўлмаганида сенга тўрт баҳо қўйса ҳам бўлар эди, деб уч баҳо қўйди.

- Эртасига мен Алишерни яна синф тахтаси олдига чақирдим. Ҳаммадан қизиги шуки, у ҳикоянинг мазмунини аълога айтиб берди. Унинг кундалигида ва синф журналида адабиётдан биринчи 5 баҳо пайдо бўлди. Бу ғалаба эди. Тез орада Алишер адабиётдан муваффақиятли ўқий бошлади.

Саволлар:

1. Ўқитувчи ўзининг қарор ва ҳаракатларида ўқувчининг қандай психологик ва шахсий хусусиятларига асосланган?
2. Педагог бундан кейин қандай ҳаракат қилиши зарур?

Миникейслар.

1-вазият

ҲАЁТ – МУАЛЛИМ

Эҳ, бу ашаддий қайсар Ваҳоб! Шундай ҳолатлар бўлганки, унинг фикрини охиригача хотиржам эшитиш учун сабр тоқатим камлик қилас эди. Бу боладаги ўта хаётий , катталардек фикрлаши-энг муҳими, сахийлик, энг оддий хаётий меҳрибонлик ҳислатларини инкор этиши мени ҳайратга солар эди. Унинг фикрича, ҳар бир киши фақат ўзи, ўз манфаати ҳақида ўйлаши керак, ҳолос.

Агар Ваҳобда бундай салбий ҳислатлар бўлмаганда, мен учун у энг ёқимли ўқувчи бўлиб қолиши мумкин эди. Чунки, у бақувват, сарамжон саришта, илдам ва ишchan бўлиб, саёҳатга чиққанимизда менинг энг яхши ёрдамчим бўлар эди. Бу соҳада у болалар ичида энг ишончлиси эди. Унинг хўжалик ишларини ўта сарамжонлик билан бажаришини саёҳат қопчасига бир қарашдаёқ сезиш мумкин:. қопчада ҳамма нарса ўз жойида, оқилона жойлаштирилган. Ҳар доим у ўзи билан керакли нарсаларни : игна – ипдан то тутма, қайчи, бигизгача олиб юрар эди. Умуман олганда, уни асабийлаштирувчи сўзларидан ташқари барча ҳислатлари мени ўзига тортар эди.

Ўша куни биз гурӯҳ билан кўл бўйига бир кунлик дам олишга чиққан эдик. Ваҳоб балиқ тутишга жуда ишқибоз, лекин бу сафар қармоқ ва бошқа балиқ тутиш анжомларини олиб бормаган экан. Бунинг учун у жуда афсусланди, асти қўяверасиз. У балиқчи ҳаракатини чуқур ички изтироб билан кузатиб турарди. Айниқса, балиқчи балиқни тортиб чиқаргандаги унинг изтироблари яққол сезилиб турарди. Гўё балиқчи балиқни кўлдан эмас балки Ваҳобнинг қалбидан суғириб олаётгандек ҳис этарди, ўзини.

- Менда фақат илмоқни ўзи бўлганда ҳам майли эди –я,- деди у титроқ овоз билан ҳиссиётларини яшира олмай.
- Нега ўзингни ўзинг қийнайсан? Бориб балиқчидан сўрай қол , дедим мен.
- У барибир бермайди.
- Нима учун? Бу жуда ҳам жиддий иш эмаску! Наҳотки сен бундай ҳолда ўрто\инга бериб турмасанг?
- Хўш. Ўзимникини унга бериб , ўзим илмоқсиз қолайми?
- Ҳар қандай балиқчida ортичаси бўлади. Наҳотки уни бериб турмаса?
- Сиз ҳеч нарсани тушунмайсиз. Илмоқни шунинг учун ҳам олиб юриладики , у ўзига керак бўлиб қолиши мумкин . Бундан ташқари ортиқча илмоқлар турлича бўлади.
- Демак ҳақиқий балиқчи нарсани бошқалар билан баҳам кўрмас эканда?
- Мен бундай деганим йўқ. Лекин ҳар бир балиқчи ўз ғамини ўзи еб юриши керак.
- Агар сендан ўрто\инг ортиқча илмоқ сўраса берармидинг. Ваҳоб индамади. Оддийгина бошланган бу сухбат менда тўсатдан кучли эҳтирос уйғотди. Ваҳобни қаттиқ уялтиришга аҳд қилдим , уни ўз фикрига бўлган қатый ишончини бир оз бўлсада юмшатмоқчи , унинг ноҳақлигини исботламоқчи бўлдим. Ўрнимдан туриб тўғри балиқчининг олдига бордим. Ваҳоб менинг ҳаракатларимни кузатиб турганини сезиб турардим. У менинг илтимосимни барбод булишини олдиндан сезиб мазах қилаётгандек туюлар эди. Таваккалига иш тутдим, чунки бундан бошқа иложим ҳам йўқ эди.

- Ассалому алайкум,- дедим балиқчига. У индамасдан истар-истамас бош иргитди. Ундан қиладиган илтимосимнинг тарбиявий аҳамиятини зўрға тушинириб, тўсатдан:
- Ортиқча бирор илмоғингиз йўқми?-дедим.
- Балиқчи менга ўгирилиб қаради, қармоқни чап қўлига олиб, чўнтағидан резина билан тортиб беркитилган тунука идишчани олди.
- Ваҳобжон! – деб чақирдим.
- У дарров етиб келди .
- Танлаб ол, - дедим ва унга қутичани узатдим.

-Кутичанинг турли туман, ҳатто энг ноёб илмоқчалар билан тўлалигини кўриб, Ваҳобнинг кўзлари ўйнаб кетди. У балиқчига гумонсирабгина қараб қўйди.

-Хоҳлаганингни ол.

Ваҳоб бош иргитиб, “хўп”,- деб қўйди.

У қутичани роса титкилаб бир илмоқни олди. Сўнгра қутичани эҳтиётлик билан ёпиб балиқчига берди. У эса:

Нега фақат битта?ҳеч ким битта илмоқ билан балиқ тутмайди, - деди.

Балиқчи қармоқни ёнига қўйиб , яна қутичани очди ва Ваҳоб билан биргаликда қутичадаги илмоқларни титкилай бошлади. Сўнгра у пўкак, қармок, балиқчилик илик кабиларни ҳам бор- йўқлигини суриштира бошлади.

Балиқчи бошқа қутичасини ҳам очди. Унда балиқчиликнинг барча анжомлари бор эди.

Кечкурун ҳаммамиз балиқ шўрва ичиб мазза қилдик.

Саволлар:

1. Ваҳобнинг қандай ҳислатлари ўқитувчини ташвишлантириди?
2. Янги педагогик вазиятда Ваҳоб бошидан кечирган ҳис-туйфуларни таҳлил қилинг.
3. Ўқитувчининг қандай ҳислатлари унинг фикрини амлга оширишга ёрдам берди?

2-вазият

Б Е Ш Б А Ҳ О

Коллежда қулоқни қоматга келтирувчи қўнғироқ жаранглади. Иккинчи дарс тугади. Синф хоналарининг катта эшиклари очилиб, болалар гуриллаб йўлакка чиқа бошладилар. Синф хоналарининг биридан қўлида циркул ушлаган, сочига оқ оралаган аёл ўқитувчи чиқди. Унинг ёнига баланд бўйли ўсмир келиб:

-Сизни бир дақиқага мумкинми?-деди. Ўқитувчи қадамини секинлатди.

-Зухра Иброҳимовна. Ўзингизча менга паст баҳо қўйдим, деб ўйламаяпсизми? Мени тўрт баҳога билишим аниқ-ку, нега менга уч баҳо қўйдингиз? Илтимос, тўғрилаб берсангиз,-у ўқитувчига ручкасини узатди.

-Йўқ! Мен бундай деб ўйлаётганим йўқ. Ўқув материалини билишинг ўртача, масала ечишда хатога йўл қўйгансан, ечиш йўлинг жуда ҳам тўғри ва самарали эмас. Баҳони тўғри қўйдим. Худди шундай! Беш олиш учун астойдил ўқиш керак,-дедида, ўқитувчилар хонасига кириб кетди.

-Яна Лутфуллаев, қўйилган баҳодан норози. Худди вайсақи қайнонадек валдирайди,-деди ўқитувчи ўзига ўзи. Тарих ўқитувчиси ПарпиҒаниевич унинг фикрини маъқуллаб:

-У ҳамма ўқитувчилардан норози. Гуё хеч ким унинг билимини тўғри баҳоламаётгандек. Мен бугун унга ақллироқ бўлишни ўргатиб қўймоқчиман. Бўш вақти бор ўқитувчиларнинг ҳамасини камтарликка ўргатиш дарсига таклиф қиласман .

Гурухда тарих дарси одатдагидек бошланди: ҳамма дарров тинчланди. Намунали тартиб ҳукм сурарди. Ўқувчилар ПарпиҒаниевични қизиқарли баён этиши учун ҳурмат қилишар, қаттиқ қўллиги ва тартиб бузувчиларга топқирлик билан танбех беришидан эса, бир оз қўрқиб туришар эди.

-Укагинам, сен менгга ҳикоя айтма. Мен бу ишни сендан яхшироқ уddaлашим мумкин. Сен менга тарихий воеани содир бўлиш сабабларини тушутириб бер. Менга қуруқ ёдловчи “қори” керак эмас. Мен сени фикрлашга, таҳлил килишга, таққослашга, у ёки бу ҳодиса сабабларининг туб моҳиятини очиб беришга ўргатишим керак.

ПарпиҒаниевич бундай йўлланмаларни ўқув йили бошида уч-тўрт дарсда такрорларди. Сўнгра эса, қисқача қилиб: «Эртак айтма».- дейиш билан чегараланар эди. Унинг дарсида беш баҳо олиш учун ўқув материалини аъло билиш кифоя қилмас эди. Уни кўпроқ мустақил хулоса ясаш ва айнан ҳодиса сабаблариниг туб моҳиятини очиб бериш қизиктирап эди.

ПарпиҒаниевич икки нафар ўқувчидан сўраб, уларнинг бирига уч, бирига эса тўрт баҳо қўйди ва жавоб беришга Лутфиллаевни чақирди.

- Укагинам, менга иккинчи жаҳон уруши арафасида прогрессив ва реакцион кучлар мутаносиблигини тушунтириб бергинчи.

Ўқитувчи жавобни эшишиб, яна бир неча қўшимча саволлар берди ва кундалик дафтарни олиб, қуюқ бўяб, беш баҳо қўйди ва:

- Кўп яша. Ўтири, беш! –деб куйди.

Лутфиллаев табассум қилганича ўз ўрнига бориб ўтирди. Синф ҳайратда эди. Бунақаси ҳеч бўлган эмас. Нимага, нима учун беш? Жавоб чалкаш ва ўртача эдику!

ПарпиҒаниевич бир оз сукут сақлаб, сўради,

- Лутфиллаев , сен ростгўй боламисан?

Ўқувчи ўрнидан турди ва нима учун бундай савол берилганини англамай, охистагина:

- Мен ўзимни ростгўй деб ҳисоблайман, - деди.
- Сенда қатъийлик борми? – сўрашда давом этди ўқитувчи. Ўқувчи жим турарди.
- Қани биродарлар, сизлар айтингларчи, мен унга тўғри баҳо қўйдимми?- ўқитувчи синфга мурожат қилди.
- Унинг жавоби беш баҳога арзийдими?

Ҳар томондан :

- Йўқ, йўқ! Зўрга учга арзиди, деган овозлар эшитилди.
- Лутфуллаев, сен кўпчилик фикрини эшиштаяпсанми? Агар сенда ростгўйлик ва қатъийлик бўлганда эди, менга эътиroz билдириб: домла сиз менга икки балл ошириб нотўғри баҳо қўйдинигз, - деган бўлар эдинг. Сен эса, доим паст баҳо қўйишади, деб ўқитувчиларга таъна қиласан. Мана сендаги ростгўйлик ва қатъиятликнинг қиймати. Бу беш баҳони уч баҳога айлантириш жуда осон, лекин мен бундай қилмайман. Уни тўқ бўлгани ва яққол кўзга ташланиб туришини кўряпсанми? Баҳо ўз ўрнида қолсин. Келажакда сен албатта унга эришасан. Лекин, бу беш баҳони иккаламиз узоқ вақт эслаб юрамиз... . Энди эса, ёзишга тайёрлан, мен янги мавзуни тушинтиришни бошлайман.

Бу воқеадан сўнг ўқувчи беш баҳо ҳам олди, икки баҳога жавоб берган пайтлари ҳам бўлди. Лекин коллежни битириб кетгунча баҳо учун ўқитувчиларга эътиroz билдирмади.

Саволлар

1. Педагогик таъсир этиш усулидан фойдаланишнинг мақсадини аниқланг.
2. Бу воқеа мисолида ишонтириш методининг ўзига хос белгиларини кўрсатинг.
3. Ўқитувчининг қандай ҳислатлари уни мақсадга эришишини таъминлади?

3-вазият.

Виждон ҳақида.

Бир куни ўқишдан хурсанд келдим ва:

-Ойижон, мен бугун икки баҳодан сақланиб колдим,-дедим.

-Нимадан?-сўради онам.

-Физикадан икки баҳо олишдан,-бўлган ҳодисани ойимга тушунтира бошладим. Биласизми? Бугун назорат иши ўтказилди.Мен масалани еча олмадим ва варақни ўқитувчига топширмадим. Кейинги дарсда масалани

охиригача ечиб бўлдим. Танаффусда эса лаборант-дан варагимни синфимиз назорат ишига қўшиб қўйишни илтимос килдим. Ҳайрият, мўлжалим амалга ошди. Ниҳоятда хурсандман, ойижон!

-Сен хурсандмисан?-такрор сўради онам.

-Албаттада. Беш олсам керак, ахир мен ҳаммасини тўғри ишладимку,-дедим.

-Виждонингчи. У қийналмаяптими?-хўрсиниб сўради онам.

Мен нима дейишга ҳайрон бўлиб сукут сақлардим.

-Агар мен сенинг ўрнингда бўлганимда ўша иккини олиб виждонимнинг поклигича қолган бўлардим.

-Ахир... , -мен ўзимни оқламоқчи бўлган эдим, онамнинг тикилиб қарашидан нафасим ичимга тушиб кетди. Бироз ўйланиб:

-Энди нима қилсан бўларкин?-дедим.

-Виждонинг нимани буюrsa ўшани қил. Баъзан унинг мавжудлигини эслаб туриш ҳам фойдадан ҳоли эмас,-деб бошқа хонага чиқиб кетди.

Мен ўзим танҳо қолиб, биринчи марта ўйлай бошладим: виждон дегани нима ўзи? Лекин аниқ таъриф топа олмадим. Мен уни ич-ичимдан ҳис этиб турардим, лекин сўз билан ифодалашга ожизлик қилардим. Китоб жавонига бориб, энциклопедик луғатни олдим, керакли бетини очдим ва ўқий бошладим: «Виждон-бу ўз ҳатти-ҳаракатлари, ҳулқи учун жамият олдида жавобгарликни ҳис этишдир».

Шу онда онам кириб:

-Вой-бўй, қизгинам?! Сен ҳали виждонни лу\атдан қидириб юрибсанми? Аҳволинг бундан ҳам хароб бўлиши мумкин эмас. Китобни жойига қўйиб, овқатлангани ўтири.

Бир неча вақт ўтган бўлса ҳам, овқатга қўл урмай ўтирас эдим. Мени нимадир қийнарди.

-Сени бу қилиғингдан бирор ўрто\ингни хабари борми?-сўради онам.

-Ҳеч кимни...

-Ҳайрият, ўртоқларинг ҳам сенга ўхшаганми, деб ўйлагандим...

-Энди нима қилсан экан?

-Айтдим-ку,-виждонинг амри билан иш тут. Ўқитувчини алдадинг, лаборантни эса нотўғри йўлга бошладинг. Булар ҳақида ўзинг яхшилаб ўйлаб кўр. Мен сени тўғри йўл танлашингга ишонаман.

Эртасига мен коллежга дарс бошланишидан анча олдин келдим. Физика ўқитувчисини сабрсизлик билан кута бошладим. Келиши билан унга бўлган воқеани айтиб бердим.

У мени тинглаб бўлиб:

-Мен эса назорат ишларини текшираётиб, бу варақ қандай пайдо бўлганига ҳайрон бўлдим. Ахир мен варақни топширмаганлигингни билардим.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёrlаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
 - тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
 - автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
 - маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Креатив педагогнинг фикрлаши анъанавий педагог фикрлашидан фарқли томонини таҳлил қилинг.
2. Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлмаслиги нималарга олиб келади?
3. Касбий фаолиятда педагогнинг креативликнинг турли шаклларини айтиб беринг.
4. Ижодкорлик, ижодкор шахс, креатив шахс тушунчаларига таъриф беринг.
5. Педагогнинг компетенция таркибига кирувчи турларини таҳлил қилиб беринг.

ГЛОССАРИЙ

Адолат – муайян воқеа-ҳодиса, жараён, шунингдек, шахс ҳатти-ҳаракатларини уларнинг туб моҳиятига кўра ҳаққоний баҳолаш

Англаш қобилияти – ўқитувчиларнинг таълим ва тарбия жараёни моҳияти, қонуниятлари, талабаларнинг ёш, психологияк ва шахсий хусусиятлари, таълим иштирокчилари ўртасидаги муносабат мазмуни, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш шартлари ҳамда кутиладиган натижаларни англашга имкон берадиган индивидуал психологик хусусият

Артикуляция (лот. “articulation” < “articulare” – “аниқ талаффуз қилмоқ”) нутқ орган (аъзо)ларининг товуш ҳосил қилишдаги ҳаракатлари ҳолати

Баҳолаш маданияти – педагогнинг у ёки бу педагогик воқелик, ҳодиса, жараёнлар бўйича уларнинг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тўғри хулоса чиқариш, оқилона қарор қабул қилиш қобилиятига эгалигини англашувчи сифат

Билиш қобилияти – ўқитувчининг таълим жараёнининг иштирокчилари – талабалар, ота-оналар, ҳамкаслар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мулоқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга ёрдам берадиган индивидуал психологик хусусият

Диапазон (юнон. “diapason” – “барча (торлар) орқали”) – товуш ҳажми бўлиб, унинг чегараси энг юқори ва қўйи оҳанглар билан белгиланади.

Дикция (лот. “diction” – “талаффуз қилиш”) – сўзларнинг аниқ талаффуз қилиниши

Жест (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари) – муайян ҳодиса ёки обьектга нисбатан муносабатнинг гавда, қўл ваоёқ ҳаракатлари ёрдамида ифодаланиши

Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникума, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш

Индивидуал ривожланиш дастури (ИРД) – ҳар бир шахс ёки мутахассиснинг ўзида маълум сифат, БКМ, касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилган шахсий-амалий характердаги дастур

Инновацион компетентлик – педагогик жараённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга муваффакиятли татбиқ этиш

Интуиция (лот. “intuition” < “intueri” – “синчиклаб, диққат билан қарамоқ”) – мантиқий боғланмаган ёки мантиқий хулосага келиш учун етарли бўлмаганда қидирув йўналишлари асосида масалани ечишнинг таркибини бўлган эврестик (унумли ижодий фикрлаш) жараёни

компетентлик – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш

Касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти – педагог томонидан мавжуд педагогик билимларни пухта ўзлаштириш йўлида амалий ҳаракатларнинг ташкил этилаётганлигини англатувчи сифат

Касбий зийраклик – ўқувчилар руҳий ҳолатларини, дарс, тарбиявий тадбирларни ўтказишга бўлган ишиёқларини тўғри баҳолаш, уларнинг ўзаро ёки педагоглар билан зиддиятларини англаш, ўқувчи ва гурӯҳга таъсир кўрсатишда қулай вазиятини танлай билиш

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши

Касбий-педагогик бурч – мутахассис сифатида ўқитувчи томонидан касбий фаолиятда адо этилиши мажбурий бўлган вазифа

Коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш

Компетентлик (ингл. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш

Креатив компетентлик – педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндошиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш

Креативлик (ингл. “create” – яратиш, “creative” – “яратувчи”, “ижодкор”) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибида кирувчи ижодий қобилияти

Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади

Маҳорат (араб. “моҳирлик”, “усталик”, “эпчиллик”) – 1) бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъат, моҳирлик; 2) бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш; 3) муайян иш, хатти-харакат ёки касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишига имкон берадиган билим, кўникма ва малакалар мажмуи

Методик компетентлик – педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш

Мимика (юон. “mimikos” – “тақлидий”) – юз мускуллари ҳаракатлари орқали шахснинг ўз фикри, ҳис-туйғулари, кайфияти ҳамда мавжуд воқеликка муносабатини ифодалаши

Мулоқот жараёнида ахборот алмашиш воситалари – шахсларо мулоқот жараёнида ахборот алмашинувини таъминловчи моддий ва номоддий нарса, омиллар (оғзаки ва ёзма нутқ, паралингвистик ва экстралингвистик тизимлар, мулоқотнинг ташкилий кўлами ва вакти, кўз қарашлар ёрдамида ташкил этиладиган алоқа, белгиларнинг оптик-кинетик тизими (мимика, пантомимика, жестлар – гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари))

Мулоқот – 1) кишиларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирларига таъсир кўрсатишлари кишилар ўртасидаги алоқани тиклаш ва ривожлантириш жараёни; 2) кишиларнинг бир-бирларига таъсир кўрсатиши асосида улар ўртасида рўй берадиган ахборот алмашинуви

Мулоқот маданияти – 1) мулоқот жараёнини ахлоқий меъёрлар, ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этиш асосида сухбатдошни тушуна олиш эҳтиёжи ва қобилиятига эгалик; 2) педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири

Нафас олиш – 1) организмга ҳаёт бағишивчи физиологик функция; 2) нутқнинг энергия базаси

Нафас олиш техникаси – физиологик функция ёки нутқнинг энергия базаси сифатида нафас олишда қўлланиладиган воситалар мажмуи

Ноёб қобилияtlар – шахсга хос индивидуал психологик хусусиятнинг шундай тури бўлиб, у жуда кам сонли шахслардагина кузатилади ва кўп учрайдиган психологик ҳодиса саналмайди

Нутқ аппарати – нутқни ҳосил қилишда иштирок этувчи органлар.

Нутқли (ёки товушли) нафас олиш (фонацион, юон. “phono” – “товуш”) – нафаснинг нутқ жараёнидаги олиниши

Нутқ маданияти – ўз фикрини нутқ ёрдамида мантиқли, тўғри, образли, аниқ ва ифодали етказиб бериш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси

Нутқ техникаси – нутқни тингловчи ёки ўқувчига етказиша қўлланиладиган воситалар мажмуи

Нутқ ҳосил қилувчи органлар – нутқни ҳосил қилиш жараёнида иштирок этувчи органлар (ўпка, иккита бронх, трахея, кекирдак, бўғиз, ҳиқилдоқ, ҳалқум, тишлар, бурун бўшлиғи, лаблар)

Пантомимика – педагог томонидан баён этилаётган муайян фикрни алоҳида ажратиб кўрсатишга, маълум қиёфа орқали гавлантиришга имкон беради гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракати

Паралингвистик тизим (юон. “pará” – яқин, нем. “linguistik” – тил) – мулоқот таркибида сўзли, назарий маълумотларни сўзсиз воситалар билан биргаликда узатилиши англатувчи тизим.

Педагогик билим – болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, таълим ҳамда тарбия жараёнини ташкил этиш асосида шахсни ҳар томонлама камол топтиришга доир тизимланган маълумотлар йиғиндиси

Педагогик билимдонлик – 1) педагог томонидан мутахассислик билимларининг пухта эгалланганлиги; педагогнинг билағонлиги; 2) педагогнинг касбий фаолиятни мавжуд ижтимоий талаб, ҳуқуқий меъёр ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга бўлган қобиллиги, касбий тайёргарлик даражаси

Педагогик бошқариш – педагог жараёнларни ташкилий-методик жиҳатдан уюштириш (талабалар фаолиятни бошқариш; талабалар жамоасини бошқариш)

Педагогик дунёқарааш – педагог ва таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлари жараёнининг мазмунини, натижаларини белгиловчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизими

Педагогик ижод – педагогнинг касбий жараённи самарали ташкил этишга йўналтирилган яратувчанлик фаолияти

Педагогик интуиция (лот. “intueri” – “синчиклаб, диққат билан қараш”) – педагог томонидан педагогик воқеа-ходисанинг моҳиятини, ўқувчи хатти-харакатлари мазмунини тасаввур, эмпатия ва орттирилган тажриба асосида ҳис-туйғу, сезги ёрдамида, зийраклик билан мантиқий далилларсиз бевосита англаш

Педагогик креативлик (лот. “creatio” – “яратиш”) – педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти

Педагогик лойиҳалаш маданияти – педагог томонидан ўзининг ички имкониятлари билан талаб, хоҳишистакларни ўзаро уйғунлаштира олган ҳолда мақсад, вазифаларни тўғри белгилай олиш, педагогик жараённи босқичлар бўйича режалаштириш, режани амалга оширишда зарур воситаларни танлаб билиш малакаси эгаликни тавсифловчи сифат

Педагогик маданиятга эгаликни ифодаловчи сифатлар – ўқитувчидан касбий хулқ-атвортар, одоб, муомала ва хатти-ҳаракат кўникма, малакалар мавжудлигини ифодаловчи сифатлар

Педагогик маданиятнинг таркибий элементлари – ўқитувчининг мутахассис сифатида касбий маданияти сифатларини ҳосил қилувчи таркибий элемент (унсур)лар (педагогик лойиҳалаш маданияти; касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти; педагогик дунёқараш; фикрлаш маданияти; ҳис этиш маданияти; баҳолаш маданияти; мулоқот маданияти; ташкилотчилик қобилияти)

Педагогик маданият – 1) педагогнинг шахс ва мутахассис сифатида муайян хулқ-атвортар, одоб, муомала ва хатти-ҳаракат кўникма, малакаларини ўзлаштириш даражаси; 2) педагогнинг касбий вазифаларни ҳал қилиш усул ва воситаларини ўзлаштирганлик, педагогик билимдонлик, такт, техника ва маданиятни намоён қила олишнинг юқори даражаси

Педагогик мажбурият – жамият томонидан ўқитувчи шахсига, у томонидан бир қатор педагогик мажбуриятларнинг бажарилишига нисбатан қўйиладиган талаб ва ахлоқий йўл-қўрий, кўрсатмалар мажмуаси

Педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмлари – ўқитувчиларда намоён бўладиган касбий маҳорат асосини ташкил этувчи элемент (унсур)лар (педагогик одоб, педагогик билимдонлик, педагогик қобилият, педагогик мулоқот маданияти, педагогик релаксация, коммуникатив таъсир қўрсатиш қобилияти, педагогик такт (назокат), педагогик техника, нутқ техникаси, педагогик ижодкорлик, педагогик тажриба, педагогик маданият)

Педагогик маҳорат – 1) ўқитувчининг педагогик жараённи ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш ва бошқариш қобилияти, кўникма-малакасига эгалиги; 2) таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндошув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур; 3) педагог томонидан касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишини таъминловчи билим, кўникма ва малакалар мажмуи

Педагогик мулоқот – педагогнинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкаслар ҳамда раҳбарият билан уюштирадиган сұхбати

Педагогик мулоқот маданияти – педагогнинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар, ҳамкаслар, раҳбарият билан педагогик одоб ва мулоқот талабларига мувофиқ ҳолда уюштириладиган сұхбати

Педагогик мулоқотнинг авторитар услуги – педагогик мулоқотда ўқитувчининг мутлоқ устунлигини ифодаловчи услуга

Педагогик мулоқотнинг демократик услуги – педагогик мулоқотда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини ифодаловчи услуга

Педагогик мuloқотнинг либерал услуби – педагогик мuloқотда ўқитувчининг эътиборсизлигини ифодаловчи услуг

Педагогик мuloқот услублари – ўқитувчилар томонидан педагогик жараёнда таълим иштирокчилари билан мuloқотни ташкил этишда қўлланиладиган усуллар мажмуи (авторитар услуг, демократик услуг, либерал услуг)

Педагогнинг индивидуал ривожланиш дастури – педагогнинг индивидуал равишда ўзида у ёки бу касбий-педагогик сифат, БКМ, касбий компетентлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиёжларига таянган ҳолда ишлаб чиқсан шахсий-амалий характердаги дастури

Педагогик новаторлик – педагогик фаолиятда илфор тамойил ёки ғояни асослаш, янги йўл, усул ёки воситаларни тавсия қилиш, уларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган ижодий ёндошув

Педагогик обрӯ – педагогнинг ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, педагогик жамоа, шунингдек, жамият томонидан эътироф этилган ахлоқий мақоми

Педагогик одоб – ўқитувчи олдига унинг ўзига, касбига, жамиятга, болаларга ва ўқув-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчиларига муносабатда бўлишига нисбатан қўйиладиган ахлоқий талаблар тизими

Педагогик релаксация (лот. “relaxatio” – “зайфлашиш”, “бўшашиш”) – талабаларнинг ҳиссий фаолияти, руҳий-жисмоний қуввати ва ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш

Педагогик рефлексия (лот. “reflexio” – “ортга қайтиш”, “акс этиш”) – педагогнинг шахс онги моҳияти ва вазифаларини, шу жумладан, қадриятлари, қизиқишилари, рағбатлантирувчи омиллар, фикрлаш, идрок, қарорлар қабул қилиш, ҳиссий таъсирланиш, хатти-ҳаракатлари ва бошқаларнинг моҳиятини англаб этиши

Педагогик тафаккурнинг ривожланиш босқичлари – педагог томонидан касбий фаолиятни ташкил этиш ёки педагогик йўналишда таҳсил олаётган талабаларда ихтисослик БКМнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ ҳолда тафаккурнинг изчил, қадам-бақадам ривожланиб бориши даврлари

Педагогик тажриба – касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида педагог томонидан ўзлаштирилган ортирилган БКМ мажмуи

Педагогик такт (лот. “tactus” – “даҳл қилиш”, “даҳлдорлик”, “ҳис этиш”, “туйғу”) – педагогнинг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мuloқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар ҳамда хулқатвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндошиш малакаларига эгалиги

Педагогик тафаккур – педагогик жараён, вазият ва ҳодисалар моҳиятининг, шунингдек, улар ўртасидаги муҳим боғланиш ва алоқаларнинг

педагог онгида тўлақонли акс этиши, янги ғояларни илгари суриш, янгиликлар яратиш, шунингдек, педагогик жараён, вазият ва ҳодисаларнинг натижаларини башоратлаш; педагог ақлий фаолиятининг юксак шакли

Педагогик техниканинг воситалари – педагог томонидан ўқувчиларнинг уёки бу ҳаракатлари ёки уларда намоён бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига нисбатан субъектив муносабат, алоҳида ҳис-туйғуларнинг маъноли ифодаланишини таъминловчи воситалар (нутқ ва оғзаки бўлмаган мулоқот)

Педагогик техника методлари – педагог томонидан ўқувчиларнинг уёки бу ҳаракатлари ёки уларда намоён бўладиган маънавий-ахлоқий сифатларига ўзининг субъектив муносабат, алоҳида ҳис-туйғуларни маъноли ифодаланишини англатувчи методлар

Педагогик техника – педагог томонидан ўзлаштирилган алоҳида талаба ва талабалар жамоаларига педагогик таъсир кўрсатиш методларини амалда самарали қўллай олиш учун зарур бўлган БКМ йиғиндиси (ўзини ўзи ҳиссий бошқариш, пантомимика, мимика, жест (гавда, қўл, оёқ ҳаракатлари), нутқ техникаси, алоҳида сўз ёки ифодаларни ифодалаш суръати (ритмика))

Педагогик ҳамдардлик (эмпатия) – педагогга хос сифат (талабалар, ота-оналар, ҳамкаслар ва раҳбарларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳиссиётлари, ҳаётий интилишлари, табиатларини тушуниш, бошқалар нуқтаи назарини маъқуллаш асосида жамоадаги муносабатларни меъёрда ташкил этилишини таъминлаш; ўзгаларнинг ички ҳолатини, ўй-фикрларини ва ҳис-туйғуларини тушуна олиш; бошқаларнинг бошига тушган кулфат, фалокатлардан қайғуриш; ролларни қабул қилиш – оғир вазиятда бўлган кишиларнинг ўрнига ўзини тасаввур, мушоҳада ёрдамида қўйиб кўрган ҳолда улардаги ижобий ҳис-туйғуларини қайта тиклашга кўмаклашиш; ўзгаларнинг қайғу-аламларидан, кулфатларидан қайғуриш, кўнгилни кўтарувчи, таскин берувчи сўзлар билан оғир вазиятда қолган кимсаларга ижобий таъсир кўрсатиш

Педагогик қобилиятни ривожлантириш –фақат педагогларгагина хос бўлган қобилияларни янада бойитиш ва такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитни яратиш

Педагогик қобилият –педагогик фаолиятни оқилона ташкиллаштириш ва олиб борилишига имкон берадиган, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган педагогга хос хусусиятлар

Перцептив-педагогик қобилиятлар (лот. “perceptio” – ўзлаштириш) – шахснинг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчининг психик ҳолатларининг нозик жиҳатларини тушуна олиш қобилияти

Психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик мухитни яратадиган талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштироқчилари

билин ижобий мулокотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш

Релаксопедия (лот. “relaxation” – “қувватсизлик”, “заифлашиш”, руҳан ёки жисмонан ҳолда тойишни бартараф этиш педагогикаси) – шахсда руҳий ва жисмоний толиқишлиарни бартараф этишга қаратилган педагогик фаолият

Ритмика – айрим сўз ва бўғинларнинг айтилиш муддати ва тўхталиши, нутқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилиши

Ритм (юнон. “rhythmos” < “гјео” – “оқаман”) – нутқда товушларнинг муайян изчиллик, кетма-кетликда асосида тақорланиб келиши, яъни нутқ вазнини ифодаловчи муҳим хусусият

Руҳий барқарорлик – руҳий-ҳиссий ҳолат (таъсирланиш)ларнинг давомийлиги ва барқарорлик даражаси

Ташкилотчилик қобилияти – педагог томонидан таълимий ва тарбиявий жараёнларни илмий-назарий, методик ва ҳиссий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини англатувчи сифат

Тембр (фр. “timbre” – “қўнғироқ”, “белги”, “тамға”, “фарқловчи белги”) – товушнинг товланиши (товуш рангдорлиги, ёрқинлиги, юмшоқлиги ва алоҳидалиги)ни ифодаловчи хусусият

Технологик компетентлик – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш

Товушнинг ихчамлиги ва ҳаракатчанлиги – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг бежирим, йиғинчоқ ва тебранувчан эканлигини англатувчи хусусият

Товуш кучи – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг қуввати

Товуш пардози – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг сайқали, безаги

Товуш – чиқарилган ҳавони хиқилдоқдан ўтиш пайтида овоз пардаларнинг тебраниши натижасида вужудга келадиган ҳодиса, садо, сас

Фикрлаш маданияти – педагогнинг мавжуд педагогик вазиятларни инобатга ола билиши, келиб чиқсан ҳолда тўғри қарорлар қабул қилиши ва уларни амалиётга самарали татбиқ эта олишини ифодаловчи сифат

Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш

Экстраграфистик тизим (ингл. “exterior” – “ташқарида”, нем. “linguistik” – “тил”) – гапираётган шахснинг ижтимоий вазифалари билан

бевосита боғлиқ ҳолда нутқнинг ташкил этилиши (нутқий танаффуслар, кулгу, йўталиш, нафас олиш, йиғлаш, тутилиш ва б.)ни ифодаловчи тизим

Экстремал компетентлик – фавқулотда вазиятлар (табиий оғатлар, технологик жараён ишдан чиқсан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик

Ўзини ўзи баҳолаш (ЎЎБ) – шахснинг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши

Ўз-ўзини ривожлантириши – шахснинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши

Ўзини ўзи таҳлил қилиш – педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилиши

Ўз устида ишлаш – шахс ёки мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши

Ўқитувчи нутқи – педагогнинг таълим-тарбия жараёнида тил воситаларидан фойдаланиши

Қобилият – шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият

Ҳис этиш маданияти – педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагог томонидан таълим жараёни иштирокчиларининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, ўй-фикрларини тушуна олиши, улар билан самарали мулоқотни ташкил этишини билдиради

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар.

1. Сайидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т.: ОПИ, 2003.
2. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
3. Маркова А.К. Психология професионализма. – М.: Знание, 1996.
4. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004.
5. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчи-ларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.
6. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари – Тошкент, 2015.
7. М.М. Ахмеджанов, Б.Қ.Хўжаев, З.Д. Ҳасанова. Педагогик маҳорат- Бухоро Давлат университети, 2014
8. З. Т. Нишонова. Психологик хизмат.- Низомий номидаги ТДПУ,2005
9. European Commission (2010a): Developing Coherent and System-Wide Inductions Programmes for Beginning Teachers: A Handbook for Policy Makers.
10. Ministère de l’Education Nationale de France (2008): Livre Vert sur L’Evolution du Métier d’Enseignant.
11. Ministère de l’Education Nationale, de l’Enseignement Supérieur et de la Recherche de France (2013): Lancement des Ecoles Supérieures du Professorat et de l’Education – Séminaire Préparatoire, Dossier de Présentation, Lundi 1er juillet 2013.
12. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.
- 13.Холиқов А. Педагогик маҳорат. -Т.: Дарслик. Иқтисод -молия, 2011. -420 б.
- 14.Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.
- 15.Иноятов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. 2012 й. Тошкент, “Илм-Зиё” нашриёти. 12 б.т.
- 16.Иноятов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика (напедагогик олий таълим муассасалари учун). 2013 й. - ТДПУ. 15,25 б.т.
- 17.Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
- 18.Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ Ризографи, 2014 йил. 6,5 б.т.
- 19.Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий

- маҳоратининг назарий асоси //Uzluksiz ta’lim ж. – Т.: 2006. 6-сон
- 20.Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.
- 21.Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008.
- 22.Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева
23. М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.
- 24.Нишонова З.Т., Алимова Г.К. Болалар психологияси ва психодиагностикаси Т.: ТДПУ 2017 – 264 б.
- 25.Фозиев Э. Онтогенез психологияси Назарий- экспериментал таҳлил Т.: Ношир 2010. – 356 б.
- 26.Дўстмуҳамедова Ш.А., Нижонова З.Т. ва бошқалар Ёш даврлари ва педагогик психология Т.: Фан ва технологиялар 2013 – 343 б.
- 27.Шаповаленко И.В. Возрастная психология (Психология развития и возрастная психология): учебник для студентов вузов. – М.: Гардарики, 2007. – 349 с.
- 28.Фозиев Э. Г. Педагогик психология. –Тошкент: Университет, 2014.-208 бет.
- 29.Бодров В. А. Информационный стресс. М, ПЭР СЭ, 2000.
- 30.Бреслав Г. М. Психология эмоций. М., 2004.
- 31.Вилюнас В.К. Психология эмоций, М.,2005.
- 32.Водопьянова Н.Е., Старченкова Е.С. Синдром выгорания: диагностика и профилактика. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2008.
- 33.Выготский Л. С.Собр.соч., 2-том М.,1982.
- 34.Ильин Е.П. Эмоции и чувства. М., 2008.

Интернет ресурслар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: www.uzedu.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази: www.eduportal.uz, www.multimedia.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz

5. Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази: www.giy.uz
6. Ижтимоий ахборот таълим портали: www.Ziyonet.uz.
7. <http://www.school.edu.ru> - Umumta'lim portalı (rus tilida),
8. <http://www.alledu.ru> - “Internetdan ta’lim” portalı (rus tilida),
9. <http://www.rostest.runnet.ru> - Test olish markazi serveri (rus tilida),
- 10.<http://www.allbest.ru> - Internet resurslari electron kutubxonasi (rus tilida),
- 11.<http://www.mathtype.narod.ru/> - Online-darsliklar (rus tilida),
- 12.<http://mschool.kubsu.ru/> - Elektron qo'llanmalar kutubxonasi. Sirtqi matematik olimpiadalar.
- 13.www.tdpu.uz
- 14.www.pedagog.uz
- 15.www.Ziyonet.uz
- 16.www.edu.uz
17. tdpu - INTRANET. ped.
- 18.Teacher.org, www.teacher.org.
- 19.Career Counselling for Teachers, <http://www.cct-austria.at>.
- 20.Education Bureau of the Government of Hong Kong, <http://www.edb.gov.hk>.